

АЙЁМИНГ МУБОРАК, МУСТАҚИЛ ЮРТИМ!

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



ПОСЕТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 1 сентябрь пайшанба • 35 (3616)-сон

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Барчангизни Ўзбекистон тарихи ва ҳаётида энг улуғ, энг азиз айём билан, мамлакатимиз мустақиллигининг кутлуғ байрами билан табриклашга, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстларим, биродарларим!

Бундан ўн тўрт йил муқаддам мустақилликка эришиб, ўзлигини англаб, ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизнинг беқиёс бойлик ва имкониятларидан фойдаланишга эга бўлган халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлидан қатъият билан илгарилаб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонимиз ҳар бир йили ўн-юз йилларга тенг бўлган тарихий йўлни босиб ўтди.

Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, эркинликка ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилганга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда.

Бунинг тасдиғини кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимиз чехрасида, далаларимиз, қишлоқ ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларда, янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватлари, муҳташам иншоотлар, шинам турар-

жойлар, равон йўллар ва коммуникациялар тимсолида кўриш мумкин.

Бундай ижобий жараёнлар янги асосда барпо этилаётган юзлаб ўқув юртлари – мактаб, лицей ва коллежлар, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасалари мисолида намоён бўлмоқда.

Эртанги кунни кўзлаб амалга ошираётган мана шундай бунёдкорлик ишларимизга куч-қувват бераётган кўп қиррали маънавий ҳаётимизнинг янада юксалиши ва унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бугун ўз ҳосили ва самарасини бермоқда.

Шу борада улуғ аждодларимизнинг бебаҳо маданий ва маърифий меросини, муқаддас қадриятларимизни тиклаш ва ҳаётга қайтариш билан бирга, ҳаётимизни замоннинг энг илғор ютуқ ва мезонлари билан бойитиш, комил инсон, баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия ишини мутлақо янги негизда ташкил этиш, муқаддас динимизга ҳурмат-эҳтиром – фаолиятимизнинг маъно-мазмунини белгилаб келмоқда.

Буларнинг барчаси, авваламбор “Ёш авлодга эътибор – келажакка эътибор” деган, ўз олдимизга қўйган шиор-мақсадларимизнинг биз учун куч-қувват ва руҳий бойлик манбаи бўлиб, эртанги кунимизнинг ишончли пойдевори ва кафолатига айланиши муқаррар.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун биз нақадар нотинч ва таҳликали замонни бошимиз-

дан кечираётганимизга ҳаммамиз гувоҳмиз.

Бундай хатарли вазиятда бизнинг тинчлигимиз ва осуда ҳаётимизни, янги жамият куриш йўлида астойдил меҳнат қилаётганимизни қўролмайдиган, яқин ва узоқ атрофимизда ёвуз ва разил мақсадлар билан бизга кўз олайтираётган, қўпоровчи ва қабиҳ ҳаракатлардан ҳам тап тортмайдиган кўчларнинг борлиги барчамиздан доимо сезгирлик ва хушёрлигимизни сақлаб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

Бугун озодлигимиз, эркинлигимиз ва эзгу мақсадларимизга эришиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлолини ҳимоялаш авваламбор ўзимизга, ўзимизнинг имконият ва салоҳиятимизга, азму шижоатимизга боғлиқ эканини шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон чуқур англаб, тушуниб олиши даркор.

Шу борада сиёсий, ҳарбий, иқтисодий омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи – миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Бу шундай буюк қудратки, тарихда бу кучга таяниб-суяниб, кўплаб халқлар энг мураккаб синовлардан, давр суронларидан омон чиққан ва бошқаларнинг ҳавасини уйғотадиган эркин ва фаровон ҳаёт куришга эришган.

Шу маънода, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг “Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай буюк куч-қудрат соҳибимиз” деган даъваткор сўзлари барчамиз-

ни ўз қадр-қимматимизни англашга, дунёда яқкаю ягона бўлмиш Ватанимизни, бетакрор Ўзбекистонимизни севиш ва унга садоқат билан яшашга чорлайди.

Биз миллий ғурур ва ифтихор деганда, бу туйғуни нафақат бугунги муаммо ва қийинчиликларни енгишда, эзгу мақсадларга етиш йўлида суянч сифатида англаймиз, айни пайтда халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтиришга, унинг шаънига доғ у ёқда турсин, ҳатто соя туширмасликка хизмат қиладиган ҳаётбахш бир куч сифатида тушунамиз. Ва биз бу вазифани бугунги кунда энг муҳим, энг зарур бурчимиз, деб билишимиз даркор.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун босиб ўтган йўлимизни ва эришган марраларимизни танқидий баҳолаб эканмиз, аввало, олдимизда турган жиддий вазифалар ва мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш масалалари эътибор марказида турганини чуқур англаб олишимиз керак.

Биринчи галда эл-юртимиз хавфсизлигини таъминлаш, оқни қорадан ажратишга қурбимиз етиши, ҳаётимизда ҳали учраб келаётган лоқайдлик, беларволик, ўзибўларчилик каби эски асоратлардан воз кечиш, кимдир четдан келиб бизни ҳимоя этади ва оғиримизни енгил қилиб беради, деган қарашларга бутунлай барҳам беришимиз зарур.

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида кенг кўламда олиб борилаётган ис-

лохотлар ва эркинлаштириш сиёсатини янада чуқурлаштириш, одамларимизни иш билан тўлиқ таъминлаш, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатига кенг имконият ва ҳуқуқий кафолатлар яратиб бериш ва уларни амалга ошириш, айнан шулар ҳисобидан аҳолининг даромадини, оладиган маошларини, пенсия, нафақа ва стипендияларни кўпайтириш – буларнинг барчаси сўзда эмас, амалда давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг долзарб масала бўлиб қолади.

Айниқса, жамиятимизда демократик тамойилларни жорий қилиш, фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини замон талабларига мувофиқлаштириш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, аввало, инсон ҳуқуқи, инсон манфаатини ҳимоялашга қаратилган ижобий ишларимизни босқичма-босқич, ҳеч шубҳасиз, охирига етказамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Бугун мен мана шу юксак минбардан туриб, барчангизни бағримга босиб, сизларга, сизларнинг сиймонгизда бутун халқимизга қарата эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Эл-юртимизнинг боши омон бўлсин!

Ватанимизни ёмон кўзлардан, ҳасад ва ғаразли ниятлардан, бало-қазолардан ўзи асрасин!

Ўзбекистоннинг буюк келажagini кўриш бахти барчамизга насиб этсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ички ишлар идораларининг барча ходимларини, таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тингловчи ва курсантларини, шунингдек юртимиз мустақиллигини ва эл-юрт тинчлигини ҳимоя қилиш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларини, ички ишлар идоралари фахрийларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги байрами билан табриклайман.

Сизларга мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдек масъулиятли ва шарафли хизматларингизда муваффақиятлар тилайман.

Зокиржон АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазири, генерал-полковник.



ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи давлатимизнинг орден ва медаллари билан мукофотланди, фахрий унвонлар берилди. Мукофотланганлар орасида Ички ишлар вазирлиги ва унинг тизимларидаги куйидаги ходимлар ҳам бор:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист”

Тошматов Валижон – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

I даражали “Шон-шараф” ордени билан

Чиналиев Зокирали Ниёзкулович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг отряд командири

II даражали “Шон-шараф” ордени билан

Хайитов Мухторжон Умаржонович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хизматчиси

“Дўстлик” ордени билан

Данильян Фрик Арамович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тергов бош бошқармаси катта терговчиси

Чжен Эдуард Самнамович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бўлим бошлиғи

Шангареев Ильмир Фатихович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта тезкор вакили

Шиманис Андрей Олегович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта инспектор-муҳандиси

“Жасорат” медали билан

Абдуқаюмов Давронбек Ўктамович – Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси милиционер-ҳайдовчиси

Абдуллаев Курбонали Мўйдинович – Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси гуруҳ командири

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, ҳайъати ва шахсий таркиби мукофотланганларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо билан табриклайдилар. Уларга Ватанимизнинг гуллаб яшнаши йўлида қилаётган хизматларида янгидан-янги ютуқлар тилайдилар.

Абдурашитов Ринат Маратович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта тезкор вакили

Азизхўжаев Хуршидхўжа Талъатхонович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта инспектори

Бозоров Зоҳиджон Умаралиевич – Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

Қамчиев Эгамберди – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

Маннопов Тоҳиржон Абдунабиевич – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

Насриддинов Абдижалил Сотволдиевич – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги давлат фельдегерлик хизматининг Андижон шаҳар бўлинмаси катта зобити

Раҳмонов Бахтиёржон Фозилович – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг ходими

Темиров Абдумажид Иброҳимович – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги давлат фельдегерлик хизматининг Андижон шаҳар бўлинмаси бошлиғи

Топиболдиев Эгамберди Абдурасулович – Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг катта терговчиси

Тошхўжаев Икром Ҳамидуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хизматчиси

Тожибоев Алимардон Курбоналиевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хизматчиси

“Шухрат” медали билан

Сафаров Темир Абдуллаевич – Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи.

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ!

II ДАРАЖАЛИ “ШОН-ШАРАФ” ОРДЕНИ БИЛАН



Зоҳидов Шухратбек Ўткирович (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили



Носиров Нодирбек Болтабоевич (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси милиционер-кинологи

“ЖАСОРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН



Баҳодиров Мухаммадносир Матшокирович (мархум) – Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг кўриқлаш бўлими милиционери



Давронов Набижон Расулович (мархум) – Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг инспектори



Жўрабоев Анваржон Аҳмаджонович (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори



Жалолов Ҳалимжон Сотволдиевич (мархум) – Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг милиционери



Мамасидиков Зоҳиджон Тўлқинович (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг ходими



Маҳмудов Санжарбек Ҳамзаевич (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг тезкор вакили



Рустамов Музаффаржон Турсунбоевич (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили



Рўзиев Давронбек Улуғбоевич (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционер-ҳайдовчиси



Тошматов Ихтиёржон Равшанбекович (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг отряд командири ўринбосари



Тургунов Илхомжон Зокирович (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг ходими



Ҳакимов Маъруфжон Норматович (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг ходими



Шобурхонов Қодиржон Исахўжаевич (мархум) – Андижон вилояти Хўжаобод тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори



Эргашев Алишер Усмонжонович (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта инспектори



Эргашев Жасурбек Аҳмадуллаевич (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционер-кинологи



Ҳамроқулов Улуғбек Тургунович (мархум) – Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг кўриқлаш бўлими милиционери



Ҳошимов Машъалбек Одилович (мархум) – Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

БАЙРАМОЛДИ КЎРИГИ

Байрам арафасида республика ИИБ Марказий аппарати шахсий таркибининг саф кўриги ҳарбийлашган махсус мактаб-интернатда бўлиб ўтди. Бу ерда шундай тадбирлар ташкил этиш учун барча шароитлар муҳайё эканлиги кўриқнинг юқори савияда ўтишини таъминлади. Тадбир тантанали равишда ва ҳарбий оркестр садолари остида бўлиб ўтди.

Маросимни республика Ички ишлар Вазирлиги ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов бошқарди. Кўрик давомида асосий эътибор ходимларнинг кийим кийиш қоидаларига амал қилишига қаратилди. Шу тариқа янги намунадаги ҳарбий кийим ҳам жиддий синовдан ўтди.

Мазкур кўриқда шахсий таркибнинг тайёргарлик даражаси анча юқорилиги, юртимизнинг энг улуғ байрами билан боғлиқ тантаналар пайти хизматни ўташга шайлиги қайд этилди.

Шахсий таркиб билан ишлаш хизматидан олинган маълумотларга кўра бундай кўриқлар ИИБ тизимидаги барча ички ишлар идоралари ва бўлимларида ҳам ўтказилган. Шахсий таркиб мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан ташкил этилаётган тадбирларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга юксак даражада ҳозирлик кўргани таъкидланди.

ТАНТАНАЛИ ТАДБИР

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан республика ИИБ марказий аппарати шахсий таркибининг тантанали сафланиши бўлиб ўтди.



Унда ходимларни вазирлик раҳбарияти номидан республика Ички ишлар вазирлигининг ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов табриклади. У мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўтган давр ичида қўлга киритилган улкан ютуқлар устида тўхталди. Шунингдек ИИБ ходимлари мамлакатимизда барқарорликни таъминлаш, терроризмга қарши кураш, жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётганлигини таъкидлади. Йиғилганларни байрам билан қизгин табриклар, уларга хизматларида улкан муваффақиятлар тилади.

Сафланиш сўнггида вазирликнинг бир гуруҳ ходимларига навбатдаги унвонлар берилгани эълон қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: тантанали тадбирдан лавҳа.

ДИЙДОРЛАШУВ

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами олдидан ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий жамоаларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири полковник Ш. Чина-

лиев сардорлик қилаётган ҳарбий қисмда бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Жуқориғи Кенге-

си томонидан ташкил этилган делегация аъзолари бу ерга ташриф буюришди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жуқориғи Кенгеси бош мутахассиси Б. Бердишов бошчилигидаги уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар ва санъаткорлардан ташкил топган делегация аъзолари аввал аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Шундан сўнг ҳарбий қисм клубида аскарлар билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда профессор

Ш. Бобошев, Тахиятош шаҳар факултетада вазиятлар бўлими бошлиғи Г. Олламбергенов, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Нукус шаҳар кенгаши раиси М. Эшимбетовлар сўзга чиқдилар ва аскарларга эсдалик совғаларини топширдилар.

Қорақалпоғистон Республикасидан келган "Айқулаш" ансамбли ва "Гулзар" ансамбллари иштирокида аскарлар учун намоиш этилган катта концерт дастури тадбирга янада байз бағишланди.

Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ, сержант.

Суратда: учрашувдан лавҳа.

Муаллиф олган сурат.



МЕҲР-МУРУВВАТДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Бир неча йилдирки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ҳамкорлигида республикаимиз мустақиллиги кенг нишонланиб келинмоқда.

Байрам арафасида Тошкент шаҳри ҳудудида истиқомат қилувчи, хизмат вазифасини ўташ даврида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг фарзандларини маънавий ва моддий томондан қўллаб-қувватлаш, улар келажақда ўз ота-оналари сингари Ватанига садоқатли инсонлар бўлиб етишишларини таъминлаш мақсадида тадбир ўтказилди.

"Бунёдкор" ёшлар телеклубида ташкил этилган мазкур тадбирда боқувчисини йўқотган 60 нафардан зиёд ходимларнинг фарзандлари қатнашишди. Уларга ўқув қуроллари, мактаб формалари ҳамда ажратилган пул маблағи топширилди.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ИИББ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ю. Акрамхўжаев, болаларни мустақиллик байрами ва янги ўқув йили билан табриклар экан, улар оталари каби касбига содиқ, фидойи, жасур инсонлар бўлиб етишишларига умид билдирди.

Шундан сўнг бир гуруҳ фидойи ички ишлар ходимлари, "Ёзни "Камолот" билан" лойиҳаси асосида



ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этган "Маҳалла умидлари" марказлари, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаларининг сардор ва посбонлари қимматбаҳо совғалар би-

лан тақдирландилар.

Тадбирга таниқли санъат усталарининг чиқишлари ўзгача жозиба бахш этди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: тадбирдан лавҳа. Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

БАРЧАНГИЗДАН МИННАТДОРМАН

Юртда тинчлик ва осойишталикни сақлашни энг эзгу ишлардан бири деб биламан. Чунки тинчлик бор жойда тўй ҳам, байрам ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам бу касб эгаларини ҳурмат қиламан. Марҳум турмуш ўртоғим Убайдулла Қурамамов кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилгандилар. Аллоҳга шукрки, ўғлим Асроржон отаси изидан бориб, шу соҳага ишга кирди. Унга касб сирларини ўргатиб, хизматни ўзлаштиришда кўмак бераётганлардан миннатдорман. Ўғлимни ва барча ички ишлар ходимларини улуғ байрам — Мустақилликнинг 14 йиллиги билан самимий табриклайман, мустаҳкам соғлиқ ва хонадонларида хотиржамлик тилайман.

Норхон ҚУРАМАТОВА, Жиззах шаҳри.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Мамлакатимиз мустақиллиги куни арафасида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ ҳузуридаги хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини кўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонида саф кўриги бўлиб ўтди.

Кўрик пайти осойишталик посбонларининг ташки кўриниши ва саф тайёргарлигига алоҳида эътибор берилди. Бундан ташқари, байрам кунлари хизмат ўташ тартиби, шунингдек, қутилмаган вазиятларда ходимларнинг қандай хатти-ҳаракат қилиши бўйича махсус йўриқнома ўтказилди.

Кўрик якунларига кўра ходимларнинг тайёргарлиги юксак даражада деб топилди.

Георгий ПЕТРОСЯН.

Тошкент вилояти ИИБ жамоаси ҳам юртимиз истиқлолига қизгин тараддуд кўришди. Байрам олдидан барча шаҳар-туман ИИБларида ҳашар уюштирилиб, бинолар, улар атрофидаги йўлак ва ариқлар тозаланди, дарахтлар оқланди.

Жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда яхши кўрсаткичларга эришган, алоҳида намуна кўрсатган 350 нафарга яқин ходимлар рағбатлантирилди.

Ўз мухбиримиз.

Байрам арафасида Термиз шаҳрида ички ишлар идоралари ходимлари учун теннис корти ишга туширилди. Бойсун тумани ИИБ биноси қайта таъмирланиб, ходимларнинг иш шариоти яхшиланган бўлса, Шеробод тумани ИИБ биносининг қайта таъмирлаш ишлари ҳадемай якунланади.

Халқ сайллари, оммавий тадбирларнинг самарали, тинч-осойишта ўтишини таъминлаш мақсадида вилоятда қатор оғоҳлантирув, назорат тадбирлари амалга оширилди.

С. НОРМУРОДОВ, майор.

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги "Бинокор" маҳалласи ҳудудида барча қулайликларга эга бўлган милиция таянч пункти ишга тушди. Бу ерда профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоли, сартарошхона, тикув цехи, тиббий хизмат ва посбонлар хонаси жойлашди. Унинг ёнида барпо этилган спорт майдончаси ёшларнинг сеvimли жойига айланди. Маҳаллада тинчлик ва осойишталикни сақлашга хизмат қилувчи бу маскан мустақиллик байрамига муносиб тўхфа бўлди.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти Мустақиллик байрамининг 14 йиллиги муносабати билан хизмат вақтида ҳалок ва ярадор бўлган ходимлар ҳамда фахрийларнинг уйларига ташриф буюришди. Бошқарма бошлиғи, полковник Самандар Полвонов хонадон соҳибларини байрам билан қутлаб, совға-саломлар топширди.

Шу каби тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар, туман ички ишлар бўлимларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Мирзо АБДУЛЛАЕВ.

Тўйга тўёна билан бориш юртимизда анъанага айланган. Мингбулоқ тумани ИИБ ЁХБ ходимлари энг улуғ айёмни муносиб совға билан қарши олдилар.

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида барча қулайликларга эга, замонавий услубда қурилган кўркем маскан фойдаланишга топширилди.

Тантананада Республика ИИБ ЁХБ бошлиғи ўринбосари, полковник Неъматжон Шодмонхожиев соҳа ходимлари касб маҳорати жанговар тайёргарликни ошириш баробарида бунёдкорлик ишларини ҳам бажаришаётганини таъкидлади. Шунингдек, Поп ва Учқўрғонда ҳам шундай эзгу ишга катта тайёргарлик кўрилаётганини эътироф этди.

Йиғилганлар учун байрам дастурхони безатилиб, ош тортилди. Бино қурилишида фаол иштирок этган ходимларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Фурқатжон МАМАЖОНОВ, майор.

Маърифат дарси

Тил — улугъ неъмат. Буни ибботлаб ўтиришнинг хожати бўлмаса керак. Инсон даҳоси эришган мўъжизакор ютуқлардан яна бири ёзув эканлигига шубҳа йўқ. Ёзувнинг кашф қилиниши инсоният маданий тараққиётининг чин маънодаги ибтидоси, кишилик жамиятининг узок ва мураккаб тадрижий такомил жараёнидаги ўзига хос кудратли омилларнинг энг асосийларидан биридир. Тилнинг алоқа қуроли бўлишдек бош вазифасини ёзувсиз тасаввур этиш амри маҳол.

Ёзувнинг юзага келиши ва тадрижий ривож жамият тараққиёти, муайян масофадаги кишиларнинг ўзаро алоқа қилиш эҳтиёжи, сиёсий, ҳуқуқий, диний ва эстетик мазмундаги ахборотларни қайд этиш, сақлаш зарурати билан бевосита боғлиқ. Жамиятнинг ривожланиб бориши, табиийки, хилма-хил ахборотлар алмашиш, қайд этиш заруратини кучайтиради. Бу ҳол ўз навбатида ёзув такомиллини тақозо этади. Дунёдаги ёзувлар шу тарихи такомиллашиб борган.

Юксак маданият соҳиби бўлмиш туркий халқлар сўнги маълумотларга

кўра, миллодан олдинги V-VI асрлардан бошлаб Ўрхун алифбосидан фойдаланганлар. Ун асрдан кўпроқ вақт мобайнида истеъмолда бўлган мазкур алифбо ўша давр туркий тилининг товуш қурилишини ниҳоятда аниқ ифода эта олган. Туркий халқлар ислом динини қабул қилишгач, IX-X асрлардан бошлаб, асосан, араб алифбосига ўтганлар. XX асрнинг бошларига қадар ана шу ёзувдан фойдаланиб келинган.

1925 йили Бокуда бўлиб ўтган туркийшунослар қурултойида Шўролар мамлакат таркибидagi туркий халқларнинг лотин алифбосига ўтишига қарор қилинди. Бу даврда тиниқ миллий тафаккур эгалари бўлган жуда кўплаб зиёлиларимиз ўзбек тилининг камоли учун лотин ёзувга ўтиш нурли истиқбол эканлиги ҳақида қайта-қайта гапирганлар. Ана шу ҳаракатлар натижасида 1929 йили Ўзбекистонда мазкур алифбо жорий қилинди.

Аммо тез орада, яъни 1940 йилдан бошлаб кирилл ёзуви асосидаги алифбо мажбурий равишда қабул қилдирилди. Мазкур “ислоҳот” ҳукмрон мафкура тарафидан “туркий халқлар миллатлараро алоқа воситаси бўлмиш рус тилини ўрганишга қийналяптилар, алифболарнинг бошқа-бошқа эканлиги бунга ҳалакат беряпти”, деган баҳона билан асосланди. Натижада рус алифбосидаги деярли барча ҳарфлар ўзбек кирилл алифбосига ҳам олинди, ҳатто тилимизнинг товуш хусусиятларига асло мос келмайдиган ҳарфлар (ъ, ь, е, ё, ю, я, ц) ўзбек алифбосидан жой олди.

Биз узок вақтлар давомида кириллица асосидаги рус ёзувга ўтишни муҳим ижобий ҳодиса сифатида тушунтириб

келдик. Аслида бу иш, яъни республикалардаги миллий тилларнинг рус ёзувга ўтказилиши муайян мақсадни кўзлаб, зўрлик билан қилинган империячилик талбирларидан бири эди.

Туркий халқларнинг ёзувлари бир хил, яъни кирилл ёзувга асосланиши, бири иккинчисининг китобини эркин ва тўғри ўқий олмаслигига олиб келди. Ўзбек, қозоқ ёки қирғиз ўзаро оғзаки сўзлашса, бир-бирини бемалол тушунади, соатлаб, кунлаб тиллашиши, дилини очиши мумкин, лекин мабодо фикрларини хат орқали баён қилмоқчи бўлишса, қийналиб қолишарди.

Кирилл алифбосининг ўзбек тили товуш қурилишини тўғри акс эттира олмаслиги, уни тубдан такомиллаштириш лозимлиги ҳақида асримизнинг 60-йилларидан бери мутахассислар баҳс юритиб келардилар. 1963

босига қайтиш кабилардан иборат эди.

Ҳеч шубҳа йўқки, араб ёзуви бизнинг бой ва муқаддас ўтмишимиз, пири комил боболаримиз руҳини қалбимизда собит тутиб турувчи тенгсиз робитадир. Буни эсдан чиқаришга бирон-бир кишининг ҳаққи йўқ. Дунёдаги энг пок ва одил дину этиқодимиз ҳам ана шу табаррук ёзувда акс эттирилганки, бу ҳол мазкур ёзувни ҳеч бир сусткашликсиз ўрганиб боришни тақозо қилади. Ўтмишсиз келажак йўқ. Муқаддас ҳисобланган минг йиллик ўтмишимизни теран идрок этиш, мукамал ўрганишда араб ёзуви алмаштириб бўлмайдиган калитдир. Буни ҳамиша ёдда тутишимиз шарт.

Очигини айтадиган бўлсак, араб ёзуви туркий, хусусан, ўзбек тилининг товуш қурилишини тўла ва мукамал акс эттира олмайди.

Ўзбек тили тил оилалари

товуш қурилишини тўғри акс эттира олиши, дунёга юз тутаётган мустақил Ўзбекистонимизнинг жадал тараққиёти учун унинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб бердилар.

Лотин ёзуви қачон ва қандай шаклланди? Бу ёзув гарбий юнон ва этрусск алифбоси асосида пайдо бўлган ҳарф-товуш ёзувидир. Қадимги лотин ёзувининг шакллани бошлаши эра-миздан олдинги VIII асрларга тўғри келади. Энг қадимги лотин ёзувидаги ёдгорликлар эра-мизгача бўлган VI асрларга оид бўлиб, бу даврдаги лотин алифбоси 21 ҳарфдан таркиб топган. Дастлабки лотин ёзуви лотин тилининг товуш қурилишини тўлиқ акс эттира олмаган. Аммо кейинчалик Рим давлатининг кенгайиши ва юнон колониялари билан алоқаси мустақамланиб бориши туфайли лотин ёзувининг таъсири кучайган, лотин ёзуви лотин тилининг

Олий Мажлиси 1993 йил 2 сентябрда “Лотин ёзувга асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди. Қонуннинг муқаддимасида шундай дейилган: “Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929—1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар томонлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади”.

Мазкур қонунга кўра қабул қилинган ўзбек алифбосида айрим ҳарфлар ост ва уст белгилар ёрдамида ясалган бўлиб, улар замонавий ёзув техникаларида бўлмаганлиги учун қўшимча сарф-харажатлар талаб қиларди. Шунинг учун устига, остига турли ишоратлар қўйилган ҳарфлардан воз кечиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ана шу мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, 1995 йилнинг 6 майида “Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувга асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунига ўзгаришлар

қилитиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди. Ўзгаришлар киритилгандан кейин янги ўзбек алифбоси 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан таркиб топди.

Алифбодан тўғри фойдаланиш йўллари, табиийки, имло қоидалари белгилаб беради. Саводхонликни таъминлашда мукамал имло қоидалари ҳал қилувчи омиллардандир. Саводхон бўлмаган жамиятнинг камолоти ва тараққиёти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу боис ҳам янги алифбонинг имлоси масаласига алоҳида эътибор берилди. Етакчи тилшунослардан иборат махсус ишчи гуруҳи янги имло қоидаларини яратиш устида жиддий иш олиб борди ва бундай қоидаларнинг лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳа мутахассислар, гуманитар соҳалар вакиллари томонидан кенг муҳокама қилинди, уни такомиллаштириш юзасидан билдирилган жуда кўплаб таклиф ва мулоҳазалар ўрганиб чиқилди, лойиҳани қайта ишлаш жараёнида улар ҳисобга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йилнинг 24 августиди “Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида” Қарор қабул қилди.

Мустақил Ўзбекистонимиз жадал камол топиб боришига хизмат қиладиган вазифаларнинг катта-кичиги йўқ. Маънавий комил кишиларгина мустақиллик ниҳолини парвариш қилиб, уни ҳосилга кирита оладилар. Мукамал тил ва ёзувсиз эса маънавиятнинг ўзи йўқдир.

Профессор Низомиддин МАХМУДОВнинг “Тилимизнинг кўркли либоси” рисоласидан қисқартириб олинди.

Янги алифбомиз афзалликлар

йилнинг май ойида ўзбек нутқи маданияти масалаларига бағишлаб Тошкентда ўтказилган Биринчи республика анжуманида ҳам бу масала кенг муҳокама қилинган. Атоқли тилшунос Собиржон Иброҳимов, шарқшунос Исматулла Абдуллаев, шунингдек, М. Валиев, М. Зокиров, А. Ишаев, Н. Маматов ва мазкур йиғинда сўзга чиққан бошқа олимлар мавжуд алифбо тўғрисида, уни тилимизга мослаштириш борасида ўз фикрларини баён қилганлар. Албатта, бугун барча халқлар томонидан батамом рад этилган мустабил мафкура даврида кирилл алифбосидан воз кечишга ҳеч ким изн бермасди.

Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги барча соҳаларда бўлгани каби она тилимизнинг ҳам, унинг ифодачиси бўлмиш ёзувимизнинг ҳам ривожу такомиллини эмин-эркин белгилаш, таъмин этиш имконини туғдирди. Мамлакатимиз истиқлоли, Президентимизнинг миллий қадриятларни тиклаш, умуман, маънавий-маърифий ислохотлар йўлидаги кенг кўламли сиёсати, ўзбек тилини ёмон кўзлардан асрагувчи тумор — Давлат тили ҳақидаги қонунимизнинг ишлаётганлиги туфайли қадим туркий тилимизнинг сўнгсиз садоларини сохталикларсиз акс эттира оладиган, бизнинг жаҳон майдонига тезроқ чиқишимиз учун имкон қадар кўмак берадиган миллий алифбо эҳтиёжи янада чуқурроқ англаб етилди. Ўзбек миллий алифбосини яратиш хусусида жиддий таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Миллий ўзбек алифбосини шакллантириш юзасидан асосан, уч хил фикр билдирилди. Булар — мавжуд кирилл алифбосини такомиллаштириб кўя қолиш, лотин ёзуви асосидаги алифбога ўтиш, араб алиф-

жиҳатидан араб лисони билан қариндош эмас, улар орасида яқинлик йўқ. Ҳатто ўз вақтида улугъ ажлодимиз Абу Райҳон Беруний ҳам араб ёзувининг туркий тил ифодаси учун мос эмаслигини таъкидлаган. Туркий сўзнинг XI асрдаги саховатли хазинабони Маҳмуд Қошғарий сўзларнинг талаффузини араб ёзувида ифодалашнинг мушкуллигидан бир қанча қўшимча белгиларга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Алишер Навоий ёки мумтоз адабиётимизнинг бошқа атоқли намояндлари асарларидаги баъзи сўзларни у ёки бу тарзда ўқиш атрофидаги баҳсларнинг асл манбаи ҳам мазкур ёзувнинг ўзига (аммо туркий тилга эмас) хос хусусияти билан боғлиқ эканлиги тайин. “Атоий”ми ёки “Отоий”ми, “Бобир”ми ёки “Бобур”ми қабилдаги тортишувлар мумтоз адабиётимиз билимдонлари орасида ҳали-ҳануз тинган эмас. Бу каби мулоҳазалар ҳисобга олинса, расмий ёзув сифатида араб ёзувига қайтиш мақсадга мувофиқ эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Кирилл ёзувининг ўзбек тилига мувофиқ келмаслигининг англаб етилганига анча бўлган. Деярли аксарият зиёлилар, айниқса, тилшунослар ёзувимизни такомиллаштиришдаги энг мақбул йўл кирилл алифбосидан воз кечиш, лотин ёзуви асосидаги миллий алифбога кўчиш эканлигини кўп бор таъкидладилар. Бу масала 1993 йилнинг 16 августиди Тошкентда бўлиб ўтган республика анжуманида атрофлича муҳокама қилинди, лотин ёзуви асосидаги ўзбек миллий алифбоси лойиҳаси маъқулланди. Анжуман қатнашчиларининг асосий кўпчилиги лотин ёзувга ўтиш зарур эканлигини таъкидлашди. Бу ёзув, энг аввало, ўзбек тилининг то-

товуш хусусиятларига мослашиб борган, айрим ҳарфлар шакли ўзгаририлган, янги ҳарфлар яратилган.

Эра-миздан олдинги II—I асрлардан бошлаб ва бутун антик давр мобайнида лотин алифбоси 23 ҳарфдан иборат бўлган. Бу ёзув қадимги Римда, кейинчалик Рим билан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан боғлиқ бўлган ҳудудларда жуда кенг тарқалган.

Ҳозирги кунда ҳам ер юзи аҳолисининг жуда катта қисми лотин ёзуви асосида шаклланди алифболардан фойдаланади.

Энг аввало, лотин ёзувини турли тилларнинг товуш хусусиятларини акс эттиришга мослаштириш имконларининг катталиги билан изоҳланади. Халқаро фонетик ассоциация (IPA)нинг алифбоси ҳам шу ёзув асосида бўлиб, дунё тилшунослари хилма-хил тилларнинг товуш қурилишини тафсиллашда айна шу ёзувни қўллайдилар.

Лотин ёзувга ўтишнинг истиқболлари дунёнинг турли мамлакатларида кўп вақтлардан бери муҳокама қилиб келинади. Хитойдек энг кўҳна маданият ўчоқларидан бирида бу масала ўтган асрнинг 20-йилларида кун тартибига қўйилган. 1919 йилнинг охирида Хитойнинг “инқилобий-демократик” доираларида хитой иероглифи ёзуви ўрнини лотин ёзуви эгаллаши лозимлиги ҳақидаги фикрлар шаклланиб бўлган эди.

Шарқнинг юксак маданият марказларидан яна бири — Японияда ҳам япон ёзуви билан бир қаторда лотин ёзуви ҳам қўлланилади. Бу каби мисоллар лотин ёзувининг тил товуш қурилишини ифодалашда бошқа ёзувларга қараганда нечоғели устунликка эга эканлигига ҳолис далилдир.

Ўзбекистон Республикаси

Огоҳлик – давр талаби

Юртимиз курраи заминнинг Марказий Осиё деб аталмиш қисмида жойлашган. Атрофимизда бизга қўшни бўлган бир неча давлатлар билан чегарадошмиз. Чегараларимиз сув, поёнсиз саҳролар, тоғу тошлардан иборат ҳудудлардан ўтган. Қадимдан сарҳадлари мустақкам давлатнинг фуқаролари тинч, осойишта ҳаёт кечирган.

Мустақилликка эришган диёримиздаги иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, тараққиёт сари дадил ҳаракатларимизни кўролмаётган, ўз манфаати йўлида турли ғаламисликлардан қайтмаётган кимсаларнинг чегараларни бузиб киришга уриниши, турли хил террорчилик хужжалари чегара ҳудудларида қатъий назорат ўрнатишни тақозо этипти.

Бу борада Қашқадарё вилоятида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу боис, ҳудудда содир этилаётган жиноятлар сони аввалги йилларга нисбатан сезиларли даражада камайиб бормоқда. Бунда албатта, аҳоли ўртасида олиб борилаётган кенг кўламдаги тарғибот ва ташвиқот ишлари ўз ижобий самарасини бермоқда. Айниқса, вилоятнинг Шахрисабз ва Китоб туманларидаги тоғли чегара ҳудудларида ташкил этилаётган тадбирлар жиноятчилик илдизига болта уришда, терроризм ва қўпоровчилик ҳолатларига қарши курашда алоҳида ўрин тутмоқда. Чунки юртимиз тинчлиги, халқимиз-

нинг фаровон турмушини кўра олмайдиган ғаламислар юртимизга айнан мана шу тоғли ҳудудлардаги яширин, айланма йўллар орқали кириб келган эди.

қидирув бўлинмалари тузилиб, тажрибали ходимлар жалб этилди. Улар томонидан ишни тўғри ташкиллаштириш аҳоли, айниқса, посбонлар ва овчилар кўмагидан фойдаланиш, улар ёрдамида тоғнинг овлоқ жойларини назорат қилиш турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тоғбеги-лар ички ишлар ходимларидан олинган аниқ топшириқ ва йўл-йўриқ-

бир киши келиб-кетаётган фуқароларнинг кимлиги, мақсадини билиш учун уларнинг ҳужжатларини кўздан кечиришяпти, – дейди вилоят ИИБ бошлигининг тоғли ҳудуд бўйича ўринбосари, полковник Баҳром Хидиров. – Бундан ташқари чегара яқинида, жойлашган қишлоқларда аҳолининг паспортлари текшириб чиқилляпти. Мақсад бегона фуқароларнинг қонунсиз равишда мамлакатимиз ҳуду-

ҳар бир дарахт, сой, тош таниш, – деди тоғбеги Элмурод Муҳаммадиев. – Бу ердан бегона кишиларнинг ўтишига йўл қўймасликка ҳаракат қилляпмиз. Ички ишлар ходимлари билан доимо боғлиқ туримиз. Кунлар салқин бўлиб қолди. Тоғларда қиш эрта келади. Шуни ҳисобга олиб туман ҳокимлиги томонидан посбонлар, овчилар, тоғбеги-лар ва кўнгиллиларга иссиқ кийим-бош, отларга ем ва бошқа зарур нарсалар тарқатилди.


Шахрисабз туманининг чегара ҳудудларида жойлашган қишлоқларда яшовчи аҳоли ўртасида олиб борилаётган профилактик ишларнинг самарадорлигини ошириш учун бор имкониятлар ишга солиняпти.

– Тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш учун уни асраб-авайлаш керак, – деди туман ҳокими Ўктам Хидиров биз билан суҳбатда. – Фуқароларимизга аввало тинч-тотув яшашнинг афзалликларини тушунтиряпмиз. Қўни-қўшни, маҳалладош, ҳамқишлоқлар ўртасида меҳроқибат кучайса, улар ҳар ишда бир-бирига ҳамдам бўлади. Ички ишлар ходимлари билан ҳам-жихатликда олиб борилаётган тадбирлар туфайли барқарорликни мустақкамлашга эришяпмиз. Айниқса, чегара ҳудудларда бу борада муайян ишлар қилиняпти. Сарҳадларда хизмат олиб бораётган ички ишлар ходимлари учун кўшимча автомашиналар тоғли жойлар учун отлар ажратганмиз. Қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, профилактик ишларни олиб боришда ички ишлар ходимларига кўмаклашмоқдалар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вилоятнинг тоғли ҳудудларида хизмат олиб бораётган ички ишлар ходимлари эл-юрт осойишталигини таъминлаш, чегаралар даҳлсизлигига эришиш йўлида фидойилик кўрсатишяпти.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
майор.

САРҲАДЛАРДАГИ СЕРГАК ПОСБОНЛАР



Шунинг учун ҳам тоғли ҳудудларда тезкор қидирув, огоҳлантирув ва профилактик ишлари ва бошқа чора-тадбирлар ташкил этишга алоҳида аҳамият берилляпти.

Масаланинг ана шу томонини инобатга олган ҳолда тоғли ҳудудларда фаолият кўрсатувчи алоҳида жиноят-

лар асосида ўрмон хўжалигини синчковлик билан кузатиб, назорат қилиб боришади.

– Тоғли ҳудудда жойлашган милиция таянч пунктларида хизмат ўтаётган ходимлардан янада сергаклик ва хушёрлик талаб этиляпти. Ўзлари хизмат олиб бораётган ҳудуддаги ҳар-

дига кириб келишининг олдини олишдир.

Китоб тумани чегара ҳудудларида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, фаоллар назорат ва кузатув ишларига бошқош бўлишяпти. Ички ишлар ходимлари билан биргаликда хонадонларни айланиб, паспорт тизими қоидаларига риоя этилиши, рўйхатда турган фуқароларнинг иш жойи, яшаши ва бошқаларни текшириб чиқишяпти.

Қишлоқларда кўнгилли гуруҳлар тузилгани айниқса, эътиборлидир. Гуруҳга ҳудудни яхши биладиган, ҳамқишлоқларни танийдиган фуқаролар бириктирилган. Улар чегара ҳудудларини айланиб, овлоқ жойлар, ўрмонларни кўздан кечиришади. Айниқса, бу борада тоғбеги-лардан унумли фойдаланиляпти. Чунки, ёмон ниятли кишилар асосан тоғ-ўрмон ҳудудларида паноҳ топиши мумкин.

– Бизга тоғ-ўрмондаги




Суратда: олиб борилаётган ишлардан лавҳа акс этган.

Bolalar sahifasi



Rasmlardagi o'nta farqni toping



«O'ZBEKISTON» CHAYNVORDI

1. XIX asr oxirlari XX asr boshlarida yurtimiz atalgan nom. 2. O'zbek adabiy tilining rivojiga beqiyos hissa qo'shgan buyuk mutafakkir shoir. 3. O'zbek xalq ertagi. 4. Sohobqiron Amir Temur tug'ilgan shahar. 5. Tog' tizmasi. 6. Respublikamizdagi yirik shaharlardan biri. 7. Azim daryo. 8. Dengiz. 9. O'lkamizda qishlab qoladigan qushlardan biri. 10. Mayizbop uzum. 11. O'zbek fazogiri. 12. Yurt. 13. Eng qadimgi, eng muborak bayram. 14. O'zbekistondagi qo'riqxonalaridan biri. 15. O'zbek milliy taomi.

1					2
6			7		
			12		13
					8
					3
	11		15		14
5			10		
					4

O'TGAN SONDA BERILGAN SKANVORD JAVOBLARI

ENIGA: To'xtaboyev. Sen. Dunyo. Otar. Davr. Afv. Va. Kam. It. Do'l. Chiroq. Deu. G'allaorol.

BO'YIGA: Aso. Dono. Be. Dovuchcha. Ta. Mo'g'ul. Varrak. Avval. Xondamir. G'oz. Da. El. Toir.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Севимли, азиз падари бузрукворимиз – ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник **Шермат СОБИРОВ**ни таваллуд топган кунлари билан самимий муборакбод этамиз. Меҳрибон отажонимиз бахтимизга яна кўп йиллар саломат, бардам бўлиб, даврамизни тўлдириб юришларини яратгандан сўраб қоламиз.

Эҳтиром ила фарзандлари, набиралари.

Жиззах шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, катта сержант **Ҳабибулла ИСМОИЛОВ**ни таваллуд топган куни билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва хизматларида катта ютуқлар тилаймиз.

Шаҳар ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



КҮЙ. Ушбу ҳафтада белгиланган режалар бажарилишига алоҳида эътибор беринг. Душанба кунга мўлжалланган учрашув ва музокаралар амалга ошмай қолади. Уларни жума кунга қолдирганингиз маъқул. Пайшанба куни барча келишмовчиликларга барҳам беришингизга тўғри келади. Шанба куни ишқий саёҳат қутилмоқда. Муаммоларнинг ҳал этилиши саъй-ҳаракатларингизга боғлиқ.



ТАРОЗИ. Фаолиятингизда қизгин фаолликка эришиш вақти келди. Мазкур ҳафта ижодий изланишлар учун ҳам муваффақиятлидир. Имконият даражада эътиборли ва ҳушёр бўлинг. Сешанба куни дўстлар кўмағига таянишингиз мумкин. Чоршанба куни айрим муаммолар безовта қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Якшанба куни яқин келажакка мўлжалланган режаларни белгилаб олганингиз маъқул.



СИГИР. Ўзингизни қўлга олиб, ҳаёлингизни бир жойга қўйсанингиз барча ниятларингизга етасиз. Сизга тақдим этилган янги маълумот бой тажриба тўплашингизда асқотади. Ҳозирча узоқ сафарларга бормаганингиз маъқул. Дам олиш кунлари яқинларингизни йўқлашингиз кўнглингизни тоғдек кўтаради.



ЧАЁН. Ушбу ҳафтада мавқеингиз яхшиланади. Душанба – хизмат сафарлари, саёҳатларга бориш ва бошқа жойга кўчиб ўтиш учун қулай кундир. Сабр-тоқатли ва мулоҳазали бўлсангиз ўз мақсадингизга эришасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярми сокин ва сиз ўйлаган даражада кўнгилли ўтади. Якшанба куни талайгина молиявий муаммоларни ҳал этишга муваффақ бўласиз.



ЭГИЗАКЛАР. Миян-гизда туғилган ғоялар ва режаларни яқин келажакда ҳаётга жорий этишга муваффақ бўласиз. Янги даромад манбаларини излаб топишга ҳаракат қилинг. Турар-жой масаласи билан шуғулланишингиз мақсадга мувофиқдир. Куннинг иккинчи ярмида амалий ҳамкорлар билан узилиб қолган алоқалар тикланади.



ЁЙ. Ҳафтанинг бошида иқтидорингизни намоён этасиз. Кимларнидир касб маҳоратингиз лол қолдиради. Иш жойингизни ўзгартириш имконияти бор. Бир қарорга келишдан олдин жиддий ўйлаб кўринг. Жума куни ўз лойиҳаларингизни ҳимоя қилишингизга тўғри келади.



КИСКИЧБАҚА. Мазкур ҳафта кўп муносабатларда мураккабдир. Сешанба – янги вазифаларга киришиш учун қулай кун. Ишбилармон кишилар билан яқин алоқа ўрнатасиз. Эътиборли танишларингиз ёрдам бериши мумкин. Атрофда рўй бераётган воқеаларга теран кўз билан қараб, жўяли мулоҳаза юритишингиз мавқеингизни яхшилайди.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Мазкур ҳафтада фаоллик кўрсатишингиз зарур. Ҳамкасбларингиз маслаҳатига қулоқ тутинг. Жума куни сафарлар ва саёҳатлар қутилмоқда. Шанба куни дўстларингиз мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишади. Якшанба куни анчадан бери кўзлаб юрган мақсадингизга эришасиз.



АРСЛОН. Ажойиб учрашувларнинг гувоҳи бўласиз. Бу даврдан нафақат кўнгили очиш, балки кўзланган ишларни бажаришда ҳам фойдаланинг. Ҳар қандай тadbирларни бемалол уюштиришга қодирсиз. Мазкур етти кунлик шартномалар тузиш учун қулайдир. Фарзандларингиз билан муносабатларда айрим келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.



ҚОВҒА. Ушбу ҳафтада вазифаларни ойдинлаштириб, янги режалар белгилашингиз лозим. Агар юзага келган вазиятни тўғри баҳолай олсангиз юзага келган муаммолар осонгина ечилади. Одамлар билан муомалада эҳтиёт бўлинг. Маълумотларни ошкор қилмасликни маслаҳат берамиз.



БОШОҚ. Сешанба куни янги лойиҳаларга бемалол киришаврингиз мумкин. Дўстлар даврасини кенгайтиринг, бу кайфиятингизга ижобий таъсир кўрсатади, янги имкониятлар туғилади. Саъй-ҳаракатларингиз албатта ўз мевасини беради. Амалий шериклар билан муносабатларни йўлга қўйишда ички туйғуингизга қулоқ тутишни маслаҳат берамиз. Жума кунги учрашувлар ва музокаралар муваффақият келтиради.



БАЛИҚ. Анча самарали ҳафта. Мухим вазифаларни бажариш учун бор куч-қувватингизни аяманг. Душанба куни ҳордик чиқарганингиз маъқул. Зарурат туғилмаса жиддий ишлар ва битимларга киришмасликни маслаҳат берамиз. Шанба куни бирор ноҳуш вазиятга тушиб қолмаслик учун ниҳоятда эҳтиёт бўлишингиз талаб этилади.

ДУШАНБА, 5

Ўзбекистон телеканаллари

6.25 Кўрсатувлар дастури. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома»...

Ёшлар телеканаллари

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Давр» ҳафта ичида. 7.30 «Мунаввар тонг»...

ёрим! 22.45 Спорт антологияси. 22.50 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури...

Тошкент телеканаллари

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.30 Болажонлар экранлари. 17.45 ТТВда сериал: «Ит уяси»...

Sport телеканаллари

7.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув. 8.00 «Бодрое утро»...

30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари 15.55 Открытие програм...

10:00, 13:00, 16:00, 19:00 ВЕСТИ. 10:30, 13:10, 15:40, 19:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА...

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости 8.05 Сериал «Остаться в живых»...

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ» 8:00 «СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО. ИНФОРМАЦИЯ К РАЗМЫШЛЕНИЮ: ТАЙНЫ КРЕМЛЕВСКИХ ПАЦИЕНТОВ»...

РТР

4:00 «Доброе утро, Россия!» 7:45 Комедия «Пена»...

ТАЗИЯ ПО ПРОИЗВЕДЕНИЯМ Н.В.ГОГОЛЯ 23:15 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ» 0:10 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ»...

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего. 8.00, 20.00 Сериал «ЕЕ ЗВАЛИ НИКИТА»...

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ» 8:00 «СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО. ИНФОРМАЦИЯ К РАЗМЫШЛЕНИЮ: ТАЙНЫ КРЕМЛЕВСКИХ ПАЦИЕНТОВ»...

ры. Юлиан Семенов». 17.50 Фильм «НА КОГО БОГ ПОШЛЕТ»...

TNT

4.55 «Москва: инструкция по применению». 5.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ»...

ТВ

6.00, 9.30, 5.00 Линия жизни. 6.30, 23.30 Покер. 7.30, 22.10, 3.10 Назло рекордам...

СЕШАНБА, 6

Ўзбекистон телеканаллари

6.25 Кўрсатувлар дастури. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

Ёшлар телеканаллари

15.55 Кўрсатувлар дастури. 16.00 Давр. 16.10 Мафтунингман, диёрим!

лесериал. 23.25 - 23.30 Хайрли тун!

Тошкент телеканаллари

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.30 Болажонлар экранлари. 17.50 ТТВда сериал: «Ит уяси»...

Sport телеканаллари

7.30 «Хабарлар». 7.50 «Бодрое утро». 8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)...

30-й канал

12.00 Открытие програм...

граммы 12.05, 16.45, 20.45 «Телехамкор» 12.25 «Детский час»...

ОРТ

17.00 Программа передач 17.05 Мультсериал 17.25 «Музыкальный лахзалар»...

РТР

4:00 «Доброе утро, Россия!» 7:45 Комедия «Пена»...

«Жизнь во время войны» 2.00, 4.00 Новости 3.30, 4.05 Сериал «Матрица»...

РТР

4:00 «Доброе утро, Россия!» 7:45 Сериал «Неотложка-1»...

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего. 8.00, 20.00 Сериал «ЕЕ ЗВАЛИ НИКИТА»...

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ» 7:55 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6»...

13.30 Сериал «СТРОГО НА ЮГ». 14.30 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР»...

ТВ

16.30 Игровое шоу «Деньги с неба». 16.40, 22.00 Док. сериал «Опергруппа, на выезд!»...

TNT

5.00 Москва: инструкция по применению. 5.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ»...

ТВ

6.00, 9.30, 5.00 Линия жизни. 6.30, 23.30 Покер. 7.30, 23.10, 3.10 Назло рекордам...

20.05 «Омон бўлинг!» 20.05 «Эгизаклар». Теле...

20.05 «Омон бўлинг!» 20.05 «Эгизаклар». Теле...

ТВ 3, душанба
10.00 Бадийий фильм "КАЗАКЛАР"
("КАЗАКИ").



Петербургинг кибор ёшлари вакили, юнкер Оленин романтика иштиёқида Кавказга йўл олади. Унинг полки казаклар станицасида жойлашган. Шу ерда йигитча гўзал Маринани севиб қолади, хатто унга уйланишга қарор қилади. Фақат қиз казак йигити Лукашкани яхши кўришини, уни ҳеч қандай бойваччага алишмаслигини билмайди...

Ролларда: Леонид Губанов, Борис Андреев, Зинаида Кириенко..

ОРТ, душанба
1.40 Триллер "СЎНГИ КИЧКИРИК"
("ПОСЛЕДНИЙ КРИК")



Уста фотограф ва шўх йигит Жей Си Гэйл қотилликда айбланиди: у учрашув пайти тасодифан жазманини бўғиб ўлдириб қўяди: Аммо кутилмаганда уни шартли ҳукм қилиб ҳибсдан озод этиб юборишади. Полиция офицери Бет Спинеллага уни кузатиб юриш топширилади. Мархума Бетнинг энг яқин дугониси эди. Шунинг учун Спинелла қотиллик тасодифан содир этилганими ёки қасддан амалга оширилганини аниқлашга қатъий бел боғлайди.

Ролларда: Энджи Эверхарт, Ричард Грико, Пол Оливер, Кен Палмер.

СТС, сешанба
3.20 Детектив "МЭРИ ХИГГИНС, КЛАРК. СИРЛАР ВА ЖИНОЯТЛАР". "БУТУН ШАХАР БЎЙЛАБ"
("МЭРИ ХИГГИНС КЛАРК. ТАЙНЫ И ПРЕСТУПЛЕНИЯ"). ("ПО ВСЕМУ ГОРОДУ").

Талабаларнинг сеvimли домласи бўлган университет профессори ўлдирилади. Далиллар ёш ва гўзал талаба қиз айбдорлигини далолат беради. Профессорнинг севгилиси бўлган бу талаба аслида ким? Сохта айбловларнинг беайб қурбоними ёки шафқатсиз қотилми?

Ролларда: Настасья Кински, Ким Шрейнер, Андреа Рот, Майкл Шэнкс, Елена Дубин, Рон Ли, Тобиас Моретти, Ханна Локнер.

РТР, чоршанба
23.30 Детектив "ИЗКУВАР" ("СЫЩИК")



Юридик институтга кириш имтиҳонларидан йиқилган Женя Кулик милицияга ишга жойлашади. Женя ўз вазибаларини бажаришга иштиёқ билан киришади. Чунки ҳақиқий изкувар бўлишни азалдан орзу қиларди. Биринчи текширган иши ички кийимларнинг ўғирлашини билан боғлиқ бўлгани учун унга "Сийнабандли Пинкертон" деб лақаб қўйишади...

Ролларда: Андрей Ташков, Борис Химичев, Игорь Кваша, Николай Скоробогазов, Ирина Аугшкар, Леонид Ярмольник ва бошқалар.

ЧОРШАНБА, 7

Ўзбекистон телеканаллари

6.25 Курсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Экспедиция».
Хўжжатли телесериал.
9.40 «MAGGI» © Олтин ошхона.
«Болалар сайёраси»:
10.05 1. «Санъат гунчалари».
2. «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
10.40 «Фарз ва қарз».
11.00 Ахборот.
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Уста Ҳасан». Телесериал.
12.15 «Дўстлик» тележурнали: «Ягона оилада».
12.45 «Оҳанглр оғушида».
12.55 «Эгизаклар». Телесериал.
13.50 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS). Овоз бериш.
14.00 Ахборот.
14.20 «Бу турфа олам».
15.10 «Бугуннинг ёшлари».
15.35 «Икки дарё оралигида». Видеофильм. 2-қисм.
15.55 «Куйла, ёшлигим».
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртактлар - яхшилиқка етаклар».
17.00 Ахборот.
17.15 «Ақл ва идрок».
17.35 «Ифтихор».
17.55 «Мусика: кеча ва бугун».
18.25 «Одамлардан бери».
18.45 «Юзма-юз».
19.00 «Икки дарё оралигида». Видеофильм. 3-қисм.
19.20 «Ўзлотто». Телелотерей.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Омон бўлинг!»
20.05 «Эгизаклар». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Оддий ҳақиқатлар».
22.15 «Уста Ҳасан». Телесериал премьераси.
23.05 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS). Овоз бериш.
23.15 «Бунни ҳаёт дейдилар». Телесериал премьераси.
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

Тошкент телеканаллари

17.30 «Кичкинтой кенгулар». Мульттўплам.
17.40 Сериал: «Ит уяси».
18.05 «Иктисодий тараққиёт йўлида».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус)
18.50 «Хамшахарлар».
19.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 Сериал: «Морена Клара».
21.00 «Экспресс» телегазетаси.
21.20 «Янги иктисод».
22.00 Кинонигоҳ «Муҳаббат кунлари».
23.25-23.30 «Хайрли тун, шахрим!»

Sport телеканаллари

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.20 «Хозайка судъбы». Сериал.
10.05 Студия «Равнак» представляет.
10.20-11.20 Теннис. Осиё чемпионати.
16.55 Курсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.20 «Шоҳрух клуби».
17.35 Мультфильм.
17.45 «Спорт - менинг ҳаётим» (Майдон ортидаги одам)
18.00 Теннис. Осиё чемпионати.
19.00 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
20.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
20.30 ФИФА (Футбол ичиди, футбол атрофида)

ПАЙШАНБА, 8

Ўзбекистон телеканаллари

6.25 Курсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Экспедиция».
Хўжжатли телесериал.
9.40 «MAGGI» © Олтин ошхона.
«Болалар сайёраси»:
10.10 1. «Болалар дунёси».
2. «Рокки ва унинг дўстлари». Мультсериал.
10.45 «Харакатда-баракат».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Уста Ҳасан». Телесериал.
12.15 «Дўстлик» тележурнали: 1. «Дурдаршан».
2. «Парле ву франса?»
12.55 «Эгизаклар». Телесериал.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ақл ва идрок».
14.40 «Буёқ сиймолар». Х. Абдуллаев. 1-қисм.
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.15 «Назм ва наво».
15.40 «Икки дарё оралигида». Видеофильм. 3-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.05 1. «Ҳаёт дўстлари».
2. «Цирк, цирк, цирк».

Ёшлар телеканаллари

7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
9.00 Давр.
9.15 «Эсмэральда». Телесериал.

21.00 Футбол. Жаҳон чемпиони саралаш учрашуви. «Ўзбекистон-Бахрайн» (Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади) Танаффусда ФИФА. 22.45 ФИФА.
23.05 «Баҳодирлар ўйини».
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 16.45, 20.45 «Телехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Бедная Настя», сериал
14.00 «Золотая жила», комедия
15.30 «Аёллар орзуси» повтор передачи
15.50 Мультсериал
17.00 Программа передач
17.05 Мультсериал
17.25 «Хориж клиплари»
17.45 «Сайёралар», хўжжатли фильм
18.00 «Жемчужина дворца», сериал
19.00 «Ошикона», мусикий дастури
19.45 Мультфильм
20.00, 22.00 «Мусикий табассум»
21.00 «Кунгил кучалари», сериал
23.00 «Чужая жена и муж под кроватью», комедия

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Две судьбы - 2», Сериал
9.10 Сериал «Агент национальной безопасности»
10.20 Разведка. Версия для кино. «Операция «Трест»».
11.00 Новости
11.10 Премьера. «Новый русский романс». Сериал
12.20 Дисней-клуб
12.50 Спецрасследование. «Врачебные ошибки»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.10 «Лолита. Без комплексов»
15.00 Сериал «Хозайка судъбы»
16.00 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 «Кривое зеркало»
18.05 «Убойная сила», Сериал
19.00 «Две судьбы - 2», Сериал
20.00 Время
20.30 Футбол. Сборная России - сборная Португалии.
22.30 Фильм Леонида Парфенова «Крымская война»
23.20 Фильм «Жизнь Дэвида Гейла»
1.50, 2.05 Триллер «Жесткие игры»
2.00, 4.00 Новости
3.40, 4.05 Сериал «Матрица: угроза»

10.15 Давр мавзуси.
10.30 Қўли гул уста.
10.50 «Анпанман». Мультсериал.
11.15 Қахрамонлар ёшлар ҳақида.
11.20 «Кусто команда сининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
12.10 Автопатрул.
12.30 Ёшлар овози.
12.55 Мусикий лаҳза.
13.00 Давр.
13.10 «Умр дафтари». Ўзбекистон Қахрамони Машарип Қувоков. 1-қисм.
13.25 Менимча.
13.30 Чемпион сирлари.
13.55 Янги алифбон урганамиз.
14.15 Интерфутбол.
15.55 Енингдаги бахт.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 «Даллас». Телесериал.
17.00 Курсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: Буш утирма.
17.25 Тенгдошлар.
17.45 Ёшлар куйлаганда.
18.00 Тадбиркор ва кунун.
18.20 Табобат оламида.
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Мафтунингман, диёрим!
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Сув-ҳаёт манбаи.
19.45 Ёшлар овози.
20.05 Қахрамонлар ёшлар ҳақида.
20.10 Хамкор-2005.
20.25 Мусикий лаҳзалар.
20.40 Давр репортаж.
21.00 «Искувар Зарцарк».

Тошкент телеканаллари

17.30 «Кичкинтой кенгулар». Мульттўплам.
17.40 Сериал: «Ит уяси».
18.05 «Мусикий мехмонхона».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус)
18.50 «Аёл қалби».
19.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 Сериал: «Морена Клара».
21.00 «Экспресс» телегазетаси.
21.20 «Саодат қалити».
22.00 Кинонигоҳ «Катта истеъдод».
23.10-23.15 «Хайрли тун, шахрим!»

Sport телеканаллари

16.55 Курсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.20 «Болалар спорт».
17.35 «Спорт - менинг ҳаётим».
17.50 Теннис. Осиё

9.00, 9.30, 9.40, 9.50 Мультфильми.
10.00 Фильм «РЕБЕНОК К НОЯБРУ».
12.00 Фильм «КАЗАКИ».
14.00 «Осторожно, модерни!».
14.30, 14.40, 14.50 Мультфильми.
15.00 Фильм «АЭЛИТА, НЕ ПРИСТАВАЙ К МУЖЧИНАМ».
16.45 Фильм «ПРОБИТЬСЯ НАВЕРХ».
19.00, 1.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА».
21.00 Фильм «ТЕРМИНАТОР-2: СУДНЫЙ ДЕНЬ».
23.45 Фильм «ОДИССЕЯ КАПИТАНА БЛАДА». 1-я серия.
2.00 Фильм «ОХОТНИКИ БАУНТИ».

ДТВ

8.00, 8.20 Мультфильми.
8.30 Самое смешное видео.
9.00 Сериал «ЖЕНАТЫ И С ДЕТЬМИ...»
9.30 «Как уходили кумиры. Евгений Милаев».
9.55, 19.55, 3.20 «Неслучайная музыка».
10.00 Телемагазин.
10.30 Агентство криминальных новостей.
10.50 Фильм «САБОТАЖ».
13.05 Сериал «Полицейские хроники».
13.30 Сериал «СТРОГО НА ЮГ».
13.30 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».
15.30, 16.00 Мультфильми.
16.30 Игровое шоу «Деньги с неба».
16.40, 22.00 Док. сериал «Опергруппа, на выезд»!
17.25 «Как уходили кумиры. Евгений Милаев».
17.50 Фильм «ТРЕВОЖНЫЙ МЕСЯЦ ВЕРСЕНЬ».
20.00 Самое смешное видео.
20.30 Сериал «ЖЕНАТЫ И С ДЕТЬМИ...»
20.55 Сериал «МАРОСЕЙКА 12»
22.40 Агентство криминальных новостей.
23.00 Фильм «КРАСНАЯ ЖАРА».
1.15 Автоновости «Карданный вал +»
1.35 Девушки с обложки.
2.50 Девушки не против...
3.30 Шоу Джерри Спрингера.

7 ТВ

6.00, 9.30, 5.00 Линия жизни.
6.30, 23.30 Покер.
7.30, 22.10, 23.10, 3.10 Назло рекордам.
7.40, 10.10 Зарядка для страны.
8.00 Веселые старты.
10.00, 20.10, 0.40, 3.00 Музыкальный трек.
10.50, 5.30 Спортивные танцы.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00 7 новостей.
11.30, 12.30, 13.30, 15.30, 16.30, 17.30, 18.30, 19.30, 20.30, 21.30 Диалоги о рыбалке.
14.10, 21.10, 0.30 «220 вольт».
14.30 Конный спорт.
22.30, 3.30 Автоспорт.
1.00 Интерактивный ТВ-чат.
4.00 Бильярд.

ТНТ

4.55 Москва: инструкция по применению.
5.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ»
6.10 «Глобальные новости».
6.15 «Эй, Арнольд!»
6.40 «Как говорит Джинджер».
7.05 «Губка Боб Квадратные штаны».
7.30 Предприниматель.
7.45 Наши песни.
8.00 «Тюремный бокс». Док. фильм.
9.05 «НОВЫЕ МУРАВЬИ В ШТАНАХ». Комедия.
11.15 «Дикая семейка Торнберри».
11.40 «Крутые бобы».
12.05 «Ох уж эти детки».

РТР

4:00 «Доброе утро, Россия»
7:45 Сериал «Неотложка-1».
8:45 «Мой серебряный шар. Рина Зеленая».
9:45, 12.45, 15.30,

ЖУМА,



Ўзбекистон телеканаллари

6.25 Курсатувлар дастури. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 11.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»-Сериал.

Ёшлар телеканаллари

7.00 Давр. 7.30 «Мунаввар тонг». 8.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.

Спорт телеканаллари

7.30 «Хабарлар». 7.50 «Бодро утрос». 8.50 «Хабарлар» (Рус тилида).

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего. 8.00, 20.00 Сериал «ЕЕ ЗВАЛИ НИКИТА».

НТВ

5.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»: 7:55 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6».

9.20 «Хозяйка судьбы». Сериал. 10.50-11.50 Теннис. Осие чемпионати.

30-й канал

12.00 Открытие программы. 12.05, 16.45, 20.45 «Телехамкор».

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 Новости.

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего. 8.00, 20.00 Сериал «ЕЕ ЗВАЛИ НИКИТА».

ДТВ

8.00, 8.20 Мультфильмы. 8.30 Самое смешное видео.

РТР

4:00 «Доброе утро, Россия». 7:45 Сериал «Неотложка-1».

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»: 7:55 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6».

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 Новости.

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего. 8.00, 20.00 Сериал «ЕЕ ЗВАЛИ НИКИТА».

ДТВ

8.00, 8.20 Мультфильмы. 8.30 Самое смешное видео.

14.30, 14.40, 14.50 Мультфильм «ВОРЫ В ЗАКОНЕ».

ДТВ

8.00, 8.20 Мультфильмы. 8.30 Самое смешное видео.

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»: 7:55 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6».

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 Новости.

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего. 8.00, 20.00 Сериал «ЕЕ ЗВАЛИ НИКИТА».

ДТВ

8.00, 8.20 Мультфильмы. 8.30 Самое смешное видео.

14.30, 14.40, 14.50 Мультфильм «ВОРЫ В ЗАКОНЕ».

ДТВ

8.00, 8.20 Мультфильмы. 8.30 Самое смешное видео.

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»: 7:55 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6».

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 Новости.

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего. 8.00, 20.00 Сериал «ЕЕ ЗВАЛИ НИКИТА».

ДТВ


8.00, 8.20 Мультфильмы. 8.30 Самое смешное видео.

ДТВ, пайшанба 17.50 Жангар фильм «КОНУНДАГИ ЎҒРИЛАР» («ВОРЫ В ЗАКОНЕ»). Фильм собик шўро тузумидаги коррупция ҳақида.

ОРТ, жума 1.30 Триллер «НИАГАРА» Ёш келин-куёв Полли ва Рэй Катлерлар Ниагара шаршарасини томоша қилгани келишади.

НТВ, шанба 19.55 Жангари фильм «БИРИНЧИ ЗАРБА» («ПЕРВЫЙ УДАР») Марказий разведка бошқармасига ташқи кўришни осийликка ўхшаган агент зарур.

ТНТ, якшанба 9.00 Комедия «БАГСИ МЭЛОУН» Нью-Йорк, 1929 йил. Спиртли ичимликлар ичиш тақиқланган ва гангстерлар уруши авжига чикқан давр.



Ўзбекистон телеканаллари

6.25 Кўрсатувлар дастури. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ-анонс. 8.40 «Олтин мерос».

21.00 «Ахборот». 21.35 ТВ-анонс. 21.40 «Қизлар давраси».

Ёшлар телеканаллари

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 Давр. 7.30 «Мунаввар тонг».

18.15 Саломатлик сирлари. 18.35 Менимча. 18.40 Каталог. 18.50 Мафтунингман, диёрим!

Тошкент телеканаллари

«Тошкент» телеканаллари ижодкорлари 8.30-13.00 гача «деб номлаган кўнгилочар инфор- мацион мусикий кўрсату- влар дастурини эфирга узатади...»

тилида) 9.10 «Три окна». А. Макаревич. 9.50 Документальный фильм.

30-й канал

9.00 Открытие программы 9.05, 16.45, 19.45 «Телехамкор».

Макаревича 9.50 «Гайдай. Комедии семейной жизни». Док. фильм.

РТР

5:00 «Доброе утро, Россия!». 6:40 «Золотой ключ». 7:00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 ВЕСТИ.

2:25 «Горячая десятка». 3:20 «Мастер боевых искусств. Жизнь Брюса Ли».

НТВ

4:55 Боевик «ГЕРОЙ - ОДИНОЧКА». 6:35 Национальное Географическое Общество детям.

19.00, 1.00 «Осторожно, модерн!». 19.30, 1.30 Сериал «ОТКРОЙТЕ, МИЛИЦИЯ».

ДТВ

8.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ». 9.00 Свет и тень. 9.15, 10.05, 10.35 Мультфильмы.

22.00 «Секс» с Анфисой Чеховой. 22.30 «Правила секса».

СТС

7.00 «СО ВСЕХ КАТУШЕК». Фильм. 8.25, 8.50, 9.20, 9.30 Мультфильмы.

ЯКШАҢБА,

Ўзбекистон телеканаллари

6.25 Кўрсатувлар дастури. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.35 «Ахборот».

Ёшлар телеканаллари

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 Давр. 7.30 «Мунаввар тонг».

ти совриндорлари куйлайди. 21.05 «Кино SMS» тан- лови.

Тошкент телеканаллари

«Тошкент» телеканаллари ижодкорлари «8.30-13.00 гача деб номлаган кўнгилочар инфор- мацион мусикий кўрсату- влар дастурини эфирга узатади...»

хаётим». 17.45 «Кучли бешлик». 18.25 «Потерпевшие с «Лигурии».

30-й канал

9.00 Открытие программы 9.05, 11.00, 16.45, 19.00 «Телехамкор».

та на «Близнецов» 13.10 Мелодрама «Принцесса на бобах».

РТР

5:00 «Доброе утро, Россия!». 6:20 «Сельский час».

НОВА» 7:00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 «СЕГОДНЯ».

ДТВ

8.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ». 9.00 Серебряный ручей.

22.00 «Мимо Кассы». Комедия. 3.50 «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО».

СТС


7.00 «ГАМБИТ». Фильм. 8.50, 9.20, 9.30, 10.30 Мультфильмы.

медия. 1.15 «МИМО КАССЫ». Комедия.

7 ТВ

6.00, 9.30, 5.00 Линия жизни. 6.30, 23.30 Покер.

Истик- лол									1	Суз- тур- куми	Гапи- рувчи куш	Айлана қисми					
Устоз санъат- кор	Вилоят мар- кази		Байра- мона	Олқиш		Хўл мева	Пайт	Дам, ором	Авто марка			2					
		3		Хузур					Миллий либос		Тулов тури	Кўр- саткич қурилма					
	Пайт		Турфа хил холат Орзу						Тари- хий жанг номи								
				Азотли модда						4	Ёрит- кич	Кўр- сатиш олмоши	Салмок				
	Ердан олина- диган даромад		5	Дам..			Сав- догар (кито- бий)				Куй қисми						
	Азиз диёр	Рост		Навбат	Ёшлар ташки- лоти							Шартли белги	Билим- дон				
		6		.. одат	Замох- шарий	Куй	Пойтахт шаҳар		Таом				Осойиш- талиқ ҳомийси				
	Сўлим маскан	Ёзув анжоми (қадим- ги)															
			Рўзгор анжоми ..юррак									Йирт- кич	Чорва ози- қаси				
Гулзор жой		7	..боб														
Па- занда											Етуқ- лик	Ойнабанд хона Тола экини	8				
Араб харфи	Тер- мизий										Кайта						
Зах- матқаш	Тарихий шаҳар (Хоразм)	9									Халқ қушиғи	..ҳақи					
Илм соҳиби	... оқ	Зафар										... сон, ... дил Кучли ёғин					
Хисса		10										..па Византия номи (шарқона)					
Дон нави	Ойла сар- дори		Тортиқ						Денгиз		Юкса- лиш	11					
					Адаш ижод- корлар	Газ кони	Суя холати	Бахт		12	Қасам		Ҳақи- қий				
		13	Таш- кент- даги бозор	Само- лёт	Давлат рамзи								Эркақ исми	Зехни ўткир			
14	Дорбоз анжоми	Олис давр															
						Шифо- кор	Куй ижроси				15	... тин Фасл		15			
						Нашрга аъзо- лик	Газмол			17	Одим	Фан	Касал- лик				
	Тан..			Бино- корлик ашёси	Форо- бий		Эркақ исми				Даст- лабки						
	Эъозли касб	Жанубий Америка тоғи						Мулжал Меҳнат	Ҳайтнинг олтин даври								
			Итоат- сиз, ужар	Замин	Икти- соддан кейини			18			Ном						
13	5	3		10	8	10	7		16	14	18	4		17	10	6	
8	10	7		9	2	8	11	1	5		16	15	1	15	8	16	12



Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: Каттакўрғон. Тир. Метро. Иприт. Фин. Оз. Аймақи. Ур. Каштадўзлик. Етмақ. Айри. Итоғиз. Оғиз. Идиш. Шамс. Ишон. Баҳор От. Маннон. Тинч. Раъно. Ширқ. Су. Армон. Шараф. Ўқ. Лафз. Атом. Ихтиро. Қоқи. Ади. Силовсин. Кўн. Қор. Ол. Плато. Дов. Тип. Ом. Қора. "Инсон". Ноз. Китобхон. Об. Вазифа. Ор. Оқ. Зарафшон. Ажабсанда. Гир. Из. Калима. "Ниса". Майиз. Адабиёт. Хумо. Мўғилистон.

БҮЙИГА: Иморат. Оғабек. Мўмиё. Танноз. Кир. Арто. Фикр. Исириқ. Азамат. Ҳайнқароқ. Имо. Ион. Косибчилик. Оралиқ. Мисол. Айш. Тўрқовок. Зид. Тожикистон. Марш. Хут. Эн. Оташнафас. "Анор". Асп. Танго. Бор. Оломон. Аҳмедов. Аржуманд. Оптика. Каспаров. Ибора. Шох. Азон. "Қизилқум". Бол. Иона. Кимё. Янг. Иқбол. Анд. Ҳамид. Олой. Бронза.

СПОРТ + ФУТБОЛ



Яна икки кундан сўнг, 3-сентябрь куни ўз тарихида илк бор "плей-офф" босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган футбол бўйича миллий терма жамоамиз Тошкентда Баҳрайн терма жамоасини қабул қилади. Бўлажак баҳсга вакилларимиз 27 августдан бошлаб тайёргарлик кўришга киришишди. Йигинга таклиф этилган футболчилар рўйхатида бир қатор янги ўйинчилар киритилган. Бахтиёр Ашурматовнинг жароҳати, Олег Пашинининг терма жамоага нисбатан масъулиятсизлиги, қолаверса Николай Ширшовнинг сариқ карточкалари тўпланиб қолганлиги боис,

ФАҚАТ ҒАЛАБА ТИЛАЙМИЗ!

ҳимоя чизигида маълум муаммоларни келтириб чиқараётган эди. Шу сабабли мураббийларимиз штаби ўтган йили терма жамоа йигинларига жалб этилган Россиянинг биринчи дивизиони иштирокчиси "Урал" клуби вакили Владимир Радкевични яна терма жамоага жалб этишди.

Яна бир қувонарли ҳол. Тажрибали ҳимоячи Андрей Фёдоров жароҳатидан қутилиб, яна терма жамоага келиб қўшилди.

Шунингдек, Леонид Кошелев ҳам жароҳатидан аста-секин қутилмоқда ва 3-сентябрда у ҳам майдонга тушишига умид боғлаш мумкин. Кувайтга қарши баҳсда терма жамоамиз сафида тўп сурган Февзи Давлетов бу сафар йигинларга жалб этилмади. Хабарингиз бор, тажрибали ҳужумчимиз Александр Гейнрих оёғидан жароҳат олган. Мураббийларимиз қарорига кўра, ҳужумни кучайтириш учун Қозоғистон супер лигасининг

моҳир ҳужумчиларидан бири Улугбек Бақоев ҳам терма жамоа сафига келиб қўшилган.

Жавоб баҳси 7 сентябрь куни ўтказилиши тўғрисида аввал хабар бериб ўтган эдик. Биринчи ўйинни ўз майдонида ўтказаётган терма жамоамиз Кувайт устидан қозонилган ғалабадан кейин кўтаринки кайфиятда майдонга тушишлари аниқ. Қолаверса, мингминглаб мухлисларнинг олқиши вакилларимизга

далда бўлади ҳамда 2004 йил Осиё кубогидаги мағлубият учун Баҳрайдан қасос олинади. Биринчи ўйинда ҳамюртларимизни фақат ғалаба қониқтиради. Шунда жавоб учрашувидан олдин вакилларимизнинг имкониятлари анча ошади.

Рақибимиз Баҳрайн терма жамоаси эса Тошкентга мағлубият аламини тотиб кўриб келишмоқда. Сабаби, сўнгги саралаш учрашувида улар ўз майдонида гуруҳ аутсайдери КХДР жамоасидан 3:2 ҳисобда мағлубиятга учрашган. Маълумотларга кўра, терма жамоа аъзолари бугун юртимизга етиб келишади.

«ТЎПАЛАНГ»НИНГ «ТЎПОЛОНИ»

Ўтган ҳафтада футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати Олий лигасининг 17-тур учрашувлари ўтказилди. Марказий ўйин пойтахтда Тошкентнинг "Пахтакор" ҳамда Фарғонанинг "Нефтчи" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Хабарингиз бор, биринчи даврада ўтказилган учрашувда майдон эгалари – "Нефтчи" голиб чиққан эди. Бу сафар эса қизиқарли ва мурасасиз ўтган баҳсда "Пахтакор" ўз мухлисларини хурсанд қилди. Айниқса, Николаевнинг 18 метр узоқликдан киритган тўпи йилнинг энг

чиройли голларидан бири бўлди. "Пахтакор" – "Нефтчи" – 2:0. Тошкентда ўтказилган яна бир ўйинда эса майдон эгалари мағлубиятга учрашди. "Трактор" ҳамда Муборакнинг "Машъал" жамоалари ўртасидаги баҳс "голлар шоуси"га айланиб кетди. "Трактор" – "Машъал" – 3:5. Шунингдек, Бухорода бўлиб ўтган ўйинда ҳам дарвозаларга жами 7 та тўп киритилиб, Бухороликлар иродали ғалабага эришишди. Энг қизиғи, уч бор ҳисобда олдинда борган "Локомотив" ўйиннинг асосий вақти туга-

шига тўрт дақиқа қолганда ўз дарвозасидан 2 та тўп олиб чиқиб, мағлубиятга учради. "Бухоро" – "Локомотив" – 4:3.

Олий лиганинг дебютанти – Сарисийёнинг "Тўпаланг" жамоаси эса ушбу турда ўзига хос сенсация қилди. Чемпионат қарвонбошиси Қаршининг "Насаф" жамоасини қабул қилган "Тўпаланг" 2:0 ҳисобда ғалаба нашидасини сурди.

Шундай қилиб йўқотилган очколар бўйича "Пахтакор" "Насаф" жамоасига етиб олди. Бу йил унчалик омади юришмаётган Наманганнинг "Навбахор" жамоаси бу турда Бекободнинг "Металлург" жамоасини ўз майдонида қабул қилди ва 1:0 ҳисобда ғалабага эришди.

Олий лиганинг яна бир дебютанти "Шўртан" иккинчи даврада анча мазмунли ўйин кўсатмоқда. Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоасини қабул қилган ғузорликлар 2:0 ҳисобда зафар кучиб, қимматли уч очкони ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди. Ушбу турдан ўрин олган "Самарқанд-Д" – "Қизилкум" жамоалари ўртасидаги учрашув 5 сентябрга кўчирилди.



Изоҳга ҳожат йўқ.

«ЛИВЕРПУЛЬ» ЯНА СУПЕРКУБОК ЭГАСИ

26 август куни Европа чемпионлар лигасининг ўтган мавсум голиби Англиянинг "Ливерпуль" ҳамда УЕФА кубоги соҳиби Москванинг ЦСКА жамоалари ўртасида Европа суперкубоги учун баҳс ўтказилди. Ўйиннинг биринчи бўлимида ҳисобда олдинга чиқиб олган россияликлар иккинчи бўлимда ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборишди. Натижада кўшимча вақт белгилашга тўғри келди. Аммо қўпол хатоларга йўл қўйган ЦСКА яна икки тўп ўтказиб юборди. Шундай қилиб "Ливерпуль" учинчи бор Европа суперкубогини қўлга киритди. Эслатиб ўтамиз, ушбу жамоа 1977 ҳамда 2001 йилларда ҳам суперкубок учун баҳсларда голиб чиққанди.



ЭЪТИБОР УЕФА КУБОГИГА

Хабарингиз бор, Украинанинг "Динамо" жамоасидан кейин Москванинг "Локомотив" ҳамда Донецкнинг "Шахтёр" жамоалари ҳам Европа чемпионлар лигаси баҳсларидан чиқиб кетишди. Энди "Локомотив" ҳамда "Шахтёр" УЕФА кубоги учун беллашади. Чемпионлар лигасида МДХ вакилларидан ҳеч ким қолмагач, энди барчанинг эътибори ушбу мусобақага қаратилиши табиий. Ушбу икки жамоадан ташқари Россиянинг "ЦСКА", "Зенит", "Крилья Советов", Украинанинг "Днепр", "Металлург" жамоалари ҳам ўтган ҳафтада бўлиб ўтган УЕФА кубоги учун иккинчи саралаш босқичи жавоб учрашувларидан сўнг гуруҳ баҳслари йўлланмаси учун ўтказиладиган 1-раундда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Куръа натижаларига кўра энди улар қуйидаги рақиблар билан рўбарў бўлишади:

"Металлург" – ПАОК (Греция), "ЦСКА" – "Мидтъланд" (Дания), "Хайберниан" (Шотландия) – "Днепр", "Крилья Советов" – "АЗ Алкмаар" (Голландия), "Локомотив" – "Бранн" (Норвегия), "Зенит" – "АЕК" (Греция), "Шахтёр" – "Дебрецен" (Венгрия).

Дастлабки учрашувлар 15 сентябрь, жавоб учрашувлари эса 29 сентябрь куни бўлиб ўтади.

ВАКИЛЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАРДА

14 сентябрь куни Осиё чемпионлар лигаси чорак финал учрашувлари ўтказилади. Шулардан бири БААнинг "Ал-Айн" ҳамда Эроннинг "Пас" жамоалари ўртасидаги баҳсни тажрибали ҳакамимиз Равшан Эрматов бошқаради. Унга Александр Попов, Арслон Ҳотамов ҳамда Рустам Саидовлар ёрдамлашади. Шунингдек, Иорданиянинг "Ал-Файсали" ва Сингапурнинг "Танпенес Роверс" ўртасидаги Осиё кубоги чорак финал ўйинига Сардор Нажафалиев комиссарлик қилади.

Азим МУЗАФФАРХОНОВ тайёрлади.

35 дан 7 «КАТТА ЛОТТО»

22-ТИРАЖ 31.08.2005

ЮТУҚ ЧИҚҚАН РАҚАМЛАР

25 13 33 11 14 31 30

7 та рақам — йўқ.

6 та рақам — йўқ.

5 та рақам — 53 вариантда тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 11220 сўмдан берилади.

23-тираж учун ЖЕК ПОТ АВТОМОБИЛЬ

«Sportlotto» Ўзбекистон–Америка қўшма корхонаси

Кўнгил вулқони

ВАТАНДИН АЗИЗ ЁР БЎЛМАС

Ўзбекистон!

Бунчалар бетакрор-сан!

Бунчалар мафтункор-сан!

Сен деганда қалбимга ҳаяжон киреди.

Тоғларингни, боғларингни кўрганда, кўзларим яшнаб кетади.

Бағриндан униб чиққан ҳар гиёҳингни кўзимга тўтиё қилсам, баҳорингда очилган бойчечакларни юрагимдан қайнаб чиқаётган меҳр булоғи ила сугорсам, саратонда сарғайиб, барглари қовжираб бораётган лолақизғалдоқларинг бошида соябон бўлолсам эди.

Тошқин дарёларинг тўлқинидек мавжланиб, соҳилингда урилсам, қалдирғоч қанотида майин шамолингни эркаласам, осмон қадар чинорларингнинг энг баланд шоҳларида булбулга жўр бўлиб

сайрасам, ўтлоқларингда шаталоқ отиб чопаетган кўзичоқларингга тенг чопиб яйрасам эди.

Минораларинг ёлқинида жилолансам, саҳроларингдаги ўт каби ёниб турган қумлоғингда юролсам, метин каби мустаҳкам, сабрматонатли ва фидойинсон бўлиб тоблансам эди.

Момоларимиз чанқовузида наво бўлиб ийргасам, боболаримиз тасбеҳида акс-садо бериб жарангласам эди.

Бизнинг бахтимиз, келажагимиз учун керак чоғда ҳаёт-мамонт жангига кирган, бутун борлигини, умрини она-Ватан тинчлиги учун бахшида этган, аммо ўзлари шундай дорилонмон кунларни кўрмаган аждоларимизнинг руҳларини шод қилиб, улар ила муло-

қотга кириша олсам, улар етмаган кунларга бизлар етганлигимизни, истиқлол қуёши қиздираётган тупроғингдан эзгулик ниҳоли униб, чинор янглиғ кундан-кунга кўкка бўй чўзаётган истиқболингни, буюк келажагинг илдизи уларнинг томирларига тирмашиб кетганлигини айтиб, армон ила ўртанаётган юрак торларини чертиб, ўзимдаги ҳис-ҳаяжонни, севинчли уларнинг ҳам руҳларига жо қилолсам эди.

Бешикда ётган чақалоғига алла айтаётган оналарнинг майин овозини тингласам, Алпомишдек оталарнинг Ёдгор мисол ўғиллари камонида тортилган ёй бўлиб, душманларнинг юрагига санчилсам эди.

Семурғ каби мағрур, Бойчибор каби учқур,

Жалолиддин каби олғир посбон бўлиб, халқимнинг бир-қунига ярасам эди.

Токи жисмимда жоним бор экан, Ўзбекистон деган буюк давлатнинг асл ўғлони менман, дея кўкрагимга ургайман. Сел келса, тўғон бўлиб, ёв келса, кўрғон бўлиб, шу кунга етказгани учун яратганга шукрона айтаман.

Керак чоғда она-Ватан учун жонимни қурбон қилурман. Эвазига тобутимни кўтариб бораётган азиз халқим ҳалок бўлган бизнинг фарзандимиз десалар, менинг арзимас хизматим учун берилган сенинг энг катта мукофотинг шу бўлгандир. Мен шундай яшашни истадим, ҳар бир фарзандинг мен каби яшашни истасалар, сен буюклар ичида энг буюк мамлакат бўлишингга шубҳа йўқдир.

Сен шунчалар азиз ва муқаддасанки, бағрингда қанча ўйнаб-кулмайин, жамолингга тўймадим, тўёлмасман, Ўзбекистон!

Беги ДҮСТ.

МИННАТДОРЛИГИМ ЧЕКСИЗ

Зар қадрини заргардан сўранг, дейдилар. Буюк неъмат — Мустақиллик қадрини-чи? Буни камида менинг ёшимдаги мўйсафидлардан сўраган маъқул. Нега деганда белда куч-қувват бўлган давримиз мустабид тузумга тўғри келган. У пайтларда фикр эркинлиги, хурриятни орзуламоқ эркинлиги қаёқда дейсиз!

Мустақиллик ҳақидаги ширин орзулар аҳён-аҳён-да шууримиздан чақин чаққандек ўтиб қоларди, холос. Унга етишиш эса саробдек эди.

Умрни бежиз оқар сувга қиёс этишмаган. Умрининг ички ишлар сафларида ўтган суронли йиллари ортада қолиб, мўйсафидлик фаслини бошдан кечиряпман. Қаддим бир оз букилгандир, юзларимга ажин тушганлиги эса ҳақиқат. Аммо кўнгил қаримас экан, ҳамон гайрат-шижоатим бор. Тез-тез ички ишлар идораларига бориб, ходимларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолияти билан танишгим келаверади.

Қолаверса, ички ишлар ходимлари ҳам йигитлик пайтида уруш кўриб, Ватан учун қон кечган биз фахрийларнинг иззатимизни жойига қўйишяпти. Бирорта байрам ёки тантана йўқки, таклиф этишмасам.

Тўғриси айтганда, дийдорлашув бизга гоят хуш ёқди. Бундай муносабат қувончимизга қувонч, умримизга умр қўшяпти, десам муболаға эмас.

Ана шундай ҳиссиётлардан бир олам завқ туйиб, анчадан бери бир мақсадни кўнглим тубига яшириб келаётгандим. У ҳам бўлса, асосий вақтини осойишталикни сақлашга сарф этиб, боз устига биз, фахрийларнинг кўнглини олишга ҳам имкон топаётган Фарғона вилояти ички ишлар идоралари ходимларини, шунинг билан бирга республикамизнинг барча ички ишлар ходимларини энг улуғ байрам — Мустақиллик куни билан муборакбод этишдир.

Юрт посбонлари, бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин! Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин сизларни!

Ҳайдарали ҚҶЗИБОВ,

Ёзёвон тумани ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги майор.

Чўққининг маҳобати узоқдан билинади, дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Мустақилликка эришганимиздан буён йиллар ўтгани сайин унинг аҳамияти тобора кенгроқ кўламларда намоён бўлмоқда. Бир пайтлар биз пахта етиштирамиз деб кўкрагимизга урардик. Билимасдикки, юртимиз аграр қолақ хомашё базасига айланиб қолган. Англамасдикки, ҳақиқий фойдани ана шу пахта хомашёсини қайта ишлаб четга сотувчилар кўради. Истиқлолнинг дастлабки йилларида том маънода ўз байроғимизга, мадҳиямизга, гербимизга эга бўлдик, халқаро майдонда суверен давлат сифатида тан олиндиқ дея гурурланиб юрардик.

Халқ яхши яшаши, мамлакат ривожланиши учун тан олинишнинг ўзигина камлик қиларкан. Жаҳон бозорида танилиш керак экан. Бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари танийди. Тўқимачилик саноатимиз гуркираб ривожланипти. Қатор соҳаларда жуда кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Юртимиз дунёда санокли бўлган автомобилсозлик мамлакатларидан бирига айланди. Буларнинг бари истиқлол шарофати билан.

Иқтисодимизда чуқур ўзгаришлар жараёни кечмоқда. Республикамиз аҳолисининг аксар қисми қишлоқларда яшашини ҳисобга олсак, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ер ҳақиқий эгасини топаётганининг аҳамияти ҳақида гапиришга ҳожат бормикан. Бундан ташқари қишлоқ жойларида кичик ишлаб чиқариш корхоналари очилаётгани, хизмат кўрсатиш соҳаси ривож топаётгани ҳам қувонарли ҳолдир.

Гап ишлаб чиқаришдан очилган экан, давлатимизнинг тад-

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ЮРТ



биркорларини кўллаб-қувватлаш, химоя қилишга йўналтирилган сиёсатининг кучайганлиги ҳақида гапирмасак бўлмас. Бу яқин йилларда ўз мевасини бериши шубҳасиз. Ишбилармонларимиз фақат савдо-сотик билан шуғулланмасдан, ўз сармояларини ишлаб чиқаришга сарфлашга тобора қизиқишлари ортмоқда.

“Кўргандан кўркма, егандан кўрк”, — деган экан бир донишманд. Мамлакатимиз раҳбарияти халқимизнинг фақат бугунинггина ўйлаётгани йўқ, эртанги куни ҳақида ҳам қайғурмоқда. Шунинг учун юртимиз бамисоли улкан бир қурилиш майдонига айланган. Ватанимизнинг қай бурчагига борманг, янги қурилиш устидан чиқасиз. Бирор мактаб, касб-

хунар коллежи ё шифохона бунёд этилаётган бўлади. Айниқса, йўлларимизни айтмай-сизми. Одамзоднинг психологияси қизиқ-да. Кўпинча ангилликни аввалига хушламайроқ қарши олади. Кейин эса...

Пойтахтимиздаги Маннон Уйғур номидаги кўчанинг кенгайтирилгани, устидан кўприк ўтганини олайлик. Қурилиш ишлари бошланган пайт баъзилар норози бўлишди, қанча кўп маблағ кетаяпти деганлар ҳам бўлди. Ҳозир кўча кенг, равон бўлганидан, кўприкнинг шарофати билан қатнов осонлашганидан ҳамма хурсанд. Эски шаҳардаги “Чорсу” бозори атрофини қайта қуриш ишлари бошлаб юборилганида ҳам айримлар вақтинчалик ноқулайликлардан огриниб

юришганди. Энди бўлса одамлар “Бирам файзли, баҳаво жой бўлибди” дейишяпти.

Бадавлат бир мамлакатнинг раҳбарларидан бири “Одамларимиз, давлатимиз бой бўлгани учун йўлларимиз бу қадар кенг, равон эмас, аксинча, йўлларимиз кенг, равон бўлганлиги учун элимиз бой”, — деган экан. Бу жудаям пурмаъно гап. Ҳақиқатан ҳам мамлакатнинг иқтисоди кўп жиҳатдан унинг йўллари, коммуникация тизимлари аҳолига боғлиқ. Хорижлик ишбилармонлар бирор давлатга сармоя киришишдан олдин ўша жойнинг барқарорлигини, йўл-алоқа тизими аҳолини ўрганади. Юртимизда тарихий Буюк ипак йўлини тиклаш бўйича узоққа мўлжалланган ишлар амалга

оширилмоқда. Қуриб битказилиб фойдаланишга топширилган Қамчиқ довони ҳам ана шу буюк қурилишнинг узвий бир қисми эди, холос. Ушбу улуғ режа амалга ошса (бунга шубҳа йўқ), юртимиз Осиё ва Европани боғловчи кўприкка айланади. Бу иқтисодимизнинг жуда кўплаб тармоқлари гуркираб ривожланишига омил бўлади.

Республика ИИБ тизими ҳам буюк бунёдкорлик ишидан четда қолгани йўқ. Мустақиллик йилларида деярли барча вилоятлар ИИБ маъмурий бинолари қайта таъмирланди. Бир қатор туманлар ИИБ учун янги бинолар қуриб битказилди. ИИБ Марказий госпитали учун қўшимча бинолар бунёд этилди. Яқинда Сирдарё вилоятида ички ишлар ходимлари учун янги поликлиника ва шифохона очилди. Вазирлик маъмурий биносида ҳам қатор қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва оширилмоқда.

Мамлакатимиз истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ ва қонунчилик, маданият ва спорт соҳасида эришган ютуқлари борасида ҳам узоқ гапириш мумкин эди. Аммо у алоҳида мавзу. Ушбу мақолада халқимизнинг фақат бунёдкорлик фаолияти ҳақида бир шингил ҳикоя қилиш билан чекландик, холос.

Эртанги кунига ишонган инсонгина боғ яратади, иморат куради. Бунинг роҳатини мен кўрмасам, болаларим, невараларим кўради, дейди. Халқимиз ҳам келажагига ишонади. Шунинг учун бунёдкорлик ишидан чарчамайди. Элимизга бу буюк ишонч бахш этган, бундан 14 йил бурун кўлга киритилган истиқлолимиз абадий бўлсин!

Бобомурод ТОШЕВ.

Суратда: пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида қуриб битказилган кўприк.

СОҒЛИГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Инсон соғлиги унинг ўзига боғлиқ эканлиги йилдан-йилга кўпроқ аён бўлмоқда. Натижада соғлом ва узоқ умр кўриш йўлидаги турли ҳаракатлар юзага келаяпти. Бировлар бир ҳафта-ўн кунлаб оч юрсалар, бировлар музни ўйиб сувга тушадилар. Бировлар жисмоний тарбия ва спортни узоқ умр кўришнинг асоси десалар, баъзилар йог машқлари ва ноанъанавий даволаш усулларининг афзалликларини тарғиб қиладилар. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг хулосаларига қараганда, тиббий хизмат кўрсатиш соғлиғимизнинг атиги 8-10 фоизини таъминлар экан. Қолган 20 фоизи ирсий омилларга, яна 20 фоизи атроф муҳитга ва 50 фоизидан кўпроғи турмуш тарзимизга, яъни бевосита ўзимизга боғлиқ экан.

Юқоридаги илмий хулосалар ва кўп йиллик изланишлар соғлом ҳаёт кечириш ҳамда узоқ умр кўришнинг ягона ишончли йўли соғлом турмуш тарзи кечириш деган ҳаётий ҳақиқатни исботлади. Оқибатда бу айрим кишилар ва гуруҳлар қизиқишлари доирасидан чиқиб, давлат аҳамиятига молик масалага айланди. Ўзбекистон Республикасида 1993 йилда “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси тuzилгани, шу номда орден таъсис этилгани, 1996 йилда “Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонун, 1998 йилда “Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури тўғрисида”-ги Фармон қабул қилингани фикримизнинг тасдиғидир.

ТЎҒРИ ВА РАЦИОНАЛ ОВҚАТЛАНИШ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, турмуш тарзимизга боғлиқ бўлган соғлиғимизни 100 фоиз деб олсак, шундан 80 фоизи овқатланиш тартибига боғлиқ экан. Агар истеъмол қилаётган овқатимизда ёғ ва мойлар ортиқча бўлса, қон томирларда атеросклерозга, оқибатда турли юрак ва қон томир касалликларига; ун ва қанд маҳсулотларини ортиқча истеъмол қилиш қанд касаллиги, артритлар, қабзият ва саратон хасталикларига; гўшт маҳсулотларини ортиқча истеъмол қилиш буйрак касалликларига сабаб бўлади. Овқатлар таркибида минерал тузлар, микроэлементлар ва витаминларнинг етишмаслиги баданда модда алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ касалликларни келтириб чиқаради. Демак, юқоридагиларни ҳисобга олиб, тўғри овқатланишни ташкил этган кишилар соғлом бўладилар ва узоқ умр кўрадилар.

ҲАРАКАТ ВА БАДАНТАРБИЯ

Табиблар, шифокорлар, мутахассис олимлар соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашда ҳаракат ҳамда бадантарбиянинг родини алоҳида

таъкидлаганлар. Ҳаракат туфайли бадандаги модда алмашилиш жараёнлари тезлашади, ички аъзолар фаолияти яхшиланади, бўғинларнинг эгилувчанлиги таъминланади. Шу билан бирга бизнинг танимиз мунтазам парваришга ҳам муҳтож. Бу юзқўлларни кунда ювиш, тишларни тозалашдан тортган, баданнинг териси ва ҳаттоки ичакларни тозалашгача бўлган амаллардир.

Шунинг учун биз кундалик турмушимизга мушак ва бўғинларнинг ҳаракатчанлигини таъминловчи юриш, югуриш, чўмилиш каби ҳаракат турларини, жисмоний тарбия ва спорт ўйинларини киритишимиз, албатта, лозим бўлади. Шунингдек, баданимиз парваришига катта эътибор беришимиз керак.

ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланишини таъминлайдиган, кўзга кўринмайдиган бир куч бор. Бу – кишининг шахсий манфаати йўлидаги ҳаракати. Лекин бу йўлда пул, бойлик, мол-дунёга ҳирс кўйган баъзи бир кимсалар кишини сархуш (караҳт) қилувчи тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликларни ишлаб чиқариб, катта бойлик орттирмақдалар. Яна баъзи одамлар иродаси бўш

кишиларни гиёҳвандлик деган мудҳиш жарлик томон етакламоқда. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик кишилар соғлиғига, турмушига ва жамиятга зарарли эканлиги бугунги кунда кўпчиликка аён. Лекин бу иллатларга қарши курашда жасорат журъат, қатъият, собитқадамлик етишмаяпти. Шунинг учун бизнинг соғлиқ йўлидаги ҳаракатларимиз ана шу зарарли одатларни турмушимиздан буткул сиқиб чиқаришга қаратилган бўлиши керак.

ШАХСИЙ ВА ЖАМОАТ ГИГИЕНАСИ

Биз яшаётган муҳит – нафас орқали оладиган ҳавомиз, ичадиган сувимиз, ейдиган овқатларимиз соғлиғимиз билан бевосита алоқадор. Шу билан бирга кишининг кундалик фаолияти натижасида унинг қўллари, териси, кийимлари маълум даражада ифлосланади. Булар ҳам муайян даражада унинг соғлиғига зиён етказиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир киши ўзи яшаётган, ишлаётган муҳитни муҳофаза қилишни, шахсан ўз баданининг тозаллигини таъминлайдиган тадбирлар – ҳожатдан кейин ва овқатланишдан олдин қўлларини ювиш, бадан терисини ва кийимларни тоза сақлаш, уй атрофлари ва иш жойларини ифлослантормаслик,


хоналарни артиб, тозалаб, ҳавосини алмаштириб туриш каби тадбирларни кундалик одатга айлантириш керак. Шахсий ва жамоат гигиенаси – бу саломатликнинг асосидир.

БИЛИМ ВА МАЛАКА ЗАРУР

Тасаввур қилинг, ҳайдовчилик курсларини очмасдан, уларда йўл ҳаракати ва автомашинани бошқариш ҳақида билим ва малака ҳосил қилмасдан аҳолига машиналарни сотаверсак, қондаларни билмайдиганларга ҳам автотранспорт ҳайдашга рухсат берилса нима бўларди? Шубҳасиз, йўл-транспорт ҳодисалари туфайли жароҳатланган ва ўлган одамларнинг, бузилиб яроқсиз ҳолга келган машиналарнинг чеки бўлмас эди.

Соғлом турмуш тарзи ҳақида маълумот ва малаканинг бўлмаслиги ҳам худди шундай. Чунки кишининг организмининг ҳам бошқариш лозим. Лекин унинг бошқарувчиси инсоннинг ўзидир. Бунинг учун ҳар бир киши соғлом турмуш тарзи ҳақида билим ва малакага эга бўлиши талаб этилади. Буларсиз саломатликни таъминлаш умуман мумкин эмас. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслиги керак.


Бахтиёр ОТАНИЕЗОВ,
Хоразм вилояти ИИБ
Тиббиёт бўлими СЭНМ
катта эпидемиолог-
шифокори, лейтенант.



Япониялик олимларнинг тадқиқотлари кўрсатишича, кунига камида 6 соат компьютерда ишлайдиганларнинг аксарияти курак кўз синдроми деб аталувчи хасталикка чалинади. Унинг аломатлари кўзнинг қизариши, кўп ёшланиши ёки кураксираб қолиши кўринишларида намоён бўлади. Шифокорларнинг айтишича, бунга кўзнинг зўриқиши туфайли химоя рефлекслари бузилиши сабаб бўлади. Киши аввало вақти-вақти билан кўзини юмиб-очиби туриши (мижжа қоқишни) бас қилади, ёш ажралиш жараёни бузилади. Натижада кўз соққасининг юқори қисми куриб қолади. Бу эса зарарли микроорганизмлар кўпайишига қулай шарт-шароит яратиб, кўздаги барча тўқималарнинг озикланиши жараёнининг бузилишига олиб келади.

Ҳозир биргина Японияда курак кўз синдроми хасталигига 8 миллион киши чалинган. АҚШда эса уларнинг сони 10 миллионга яқинлашяпти. Афсуски, бугунги кунгача ундан самарали химояланишнинг бирон-бир самарали воситаси топилгани йўқ. Шифокорлар компьютерда ишлайдиган мутахассисларга ҳар бир-бир ярим соатда кўз учун мўлжалланган махсус гимнастика машқлари бажаришни, бўш вақтларида эса ҳеч бўлмаганда компьютер ўйинлари ўйнамасликни ва телевизор кўрмасликни тавсия этишади.

ИЛОН ЗАҲРИ — ШИФО



Бежиз таъабот рамзи сифатида идишга ўралиб турган илон тасвири қабул қилинмаган. Бу газанданинг заҳри шифобахш эканлиги одамларга қадимдан маълум бўлган.

Жаҳоннинг етакчи университетлари олимлари узоқ йиллардан буён турли илонларнинг заҳрларини тадқиқ қилиб келишяпти. Улар илон заҳри таркибида нейротоксин ва гемотоксин ферментлари борлигини аниқлашди. Мутахассислар ана шу органик бирикмалар асосида инфаркт ва инсультнинг олдини оловчи дори яратиш устида ишлашмоқда.

Ҳар йили биргина Буюк Британияда 270000 киши юрак хуружини бошларидан кечиришади. Уларнинг 46 фоизи бунинг оқибатида ҳаётдан кўз юмишади. Ушбу мамлакатда инсультдан вафот этувчилар сони эса 60000 ни ташкил этади. Дунёнинг қатор мамлакатларида мазкур кўрсаткич бундан ҳам ташвишланарли. Маълумки, инфаркт ва инсульт хасталиклари қон томирлари (артериялар)га ёғ заррачалари текилиб қолиши, натижада юрак ёки миёга қон етиб бориши ёмонлашиши туфайли келиб чиқади. Яратилажак янги дори ана шу зарарли жараённи тўхтатиб, миллионлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиши керак.

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

**ОҚСОҚОЛНИНГ
НАЪИРАСИГА
АЙТГАНИ**

Мана, кўзларингда нурлар чайқалар,
Сенга тор туюлмас бу ёруғ олам.
Бу Навоий, Қодирий мағрур ҳайкаллар
Ўз қаддин юртингда кўтарди, болам.

Кувон, ўз устингда миллий кийиминг,
Ҳеч биров камситмас юрсанг кўчада.
Бахтлисан, ўзбекча мактаб, ўйининг,
Бу яхлит ҳуқуқдан бўлмайсан зада.

Ариза битмассан ажнабий тилда,
Баландда кўрасан ватанинг туғин.
Юртингни ётлардан соб этган элда
Сен билган забонда ўтар ҳар йигин.

Сен учун қурмоқда улкан бинони,
Саргардон юрмайсан излаб ижара.
Тушуниб тинглайсан ҳар бир кинони,
Ҳаммаси тилингда гапирар, қара.

Барча ҳақсизликни курашиб энгдик,
Ҳеч биров саналмас “қора” ё “оқ тан”.
Гуллагай Ватаним аталган кенглик,
Шамоллар эсаркан турфа тарафдан.

Ўзбекистон мулкин, халқинг мулкини
Файрилар беаёв кетолмас ташиб.
Сен сари талпинар Жайхун тўлкини,
Гулларга кўймоқчи қирғоқдан ошиб.

Менда на олтин бор ва на сийму зар,
Ўзбекистон – мулким. Йўқ армон, нолам.
Бу юртнинг тизгинин олса ўзгалар
Ватанкуш ва халқкуш бўласан, болам!

Назар ШУКУР.

ВАТАНИМ

Эй азиз Ватаним, гулгун чаманим,
Гўзал ва муқаддас она заминим.
Сенга бўлсин фидо қалбим, жон-таным,
Сен-ла нурафшондир ёруғ жаҳоним.

Меҳру муҳаббатга тўлиқ борлигинг,
Ҳар қарич тупроғинг кўзга тўтиё.
Хурлик, мустақиллик қуёши порлаб,
Юртим осмонида таратар зиё.

Доимо байроғинг кўкларни ўпсин,
Кучоғинг гулларга, нурларга тўлсин.
Жонажон Ватаним – Ўзбекистоним,
Шухратинг, доврўгинг дунёни тутсин.

Дилафруз Бону УСМОНОВА.

**АЙЁМИНГ МУБОРАК,
ЎЗБЕКИСТОНИМ!**

(Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига бағишлайман)

Мусаффо осмонда порлаган юлдуз,
Бағрингда шод яшар минглаб ўғил-қиз.
Жамолинга ҳеч кўз тегмасин ҳаргиз,
Дунёда ягона нурли бўстоним,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним!

Сенда камол топди неча ботирлар,
Улуғ алломалар, буюк шоирлар.
Соғинчингда ёниб ўтди бобурлар,
Дунёда ягона нурли бўстоним,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним!

Тинчлигинга раҳна сололмас ҳеч ким,
Ўғлонларинг сарфлар танда бор кучин.
Сенинг бахтинг учун, тинчлигинг учун,
Дунёда ягона нурли бўстоним,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним!

Мадҳингни куйлашга ожиздир қалам,
Дуру олтинга кон бепоеён даланг.
Боғларга, гулларга бурканган чаман,
Дунёда ягона нурли бўстоним,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним!

Нилуфар ҲАМИДОВА.

Сўз – мустақиллик тенгдошига

**ОНАМГА
ЎХШАГИМ
КЕЛАДИ**

Мен бундан 14 йил аввал, юртимизда истиқлол шамоли эсган, халқимиз мустақилликни қўлга киритган йили туғилганман. Бундан жуда бахтиёрман. Бахтиёрлигимнинг яна бир боиси, онам Феруза Саъдуллаева ички ишлар идорасида юртимизда тинчлик осойишталикни сақлаш йўлида хизмат қилаётдилар. Мен онамнинг касбларидан фахрланаман. Улар ички ишлар ходимларининг фаолияти ёритилган репортажлар билан тез-тез Ўзбекистон телевидениесида чиқиб турадилар. Мен ҳам ойим олиб борадиган “Олов билан юзма-юз” кўрсатувининг болаларга мўлжалланган “Хавфсизлик сабоқлари” саҳифаси бошловчисиман.

Келажакда албатта ойим каби ички ишлар идораларида хизмат қилишга аҳд қилганман.

Динара САЪДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги
9-мактаб ўқувчиси.

**ИСТИҚЛОЛ
ТЕНГДОШИГА**

Сенга ҳавас қиламан, ўғлон:
Озод Ватан фарзанди-хурсан.
Сен билмайсан недир қатагон?
Яшагайсан бахтиёр, хурсанд.

Ишонаман, йилдан-йилга сен –
Улғаясан, кучга тўласан.
Ватан меҳрин жойлаб дилга сен –
Ватанпарвар инсон бўласан!

Тенгдошингдир буюк истиқлол –
Яратганнинг улуғ инъоми.
У бор жойда кулгай бахт-иқбол,
Шарбатлидир ҳаётнинг жоми!

Адҳам Мир Санд,
Кўҳон шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар Кенгаши республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник С. Толиповга опаси
Лутфи ая МУҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси, Марказий даволаш-профилактика муассасалари жамоалари республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник С. Толиповга опаси
Лутфи ая МУҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Жарқўрғон тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Ж. Музаффаровга падари бузруквори
ОДИНА БОБОНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони сардорининг ўринбосари, майор Б. Собировга ўғли
ҲАКИМЖОНнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Самарқанд шаҳар ИИБ ЖК ва УЖҚБ бошлиғи ўринбосари, майор Миркомил Раҳматовга укаси, Самарқанд тумани ИИБ ходими, катта лейтенант Мирсоли Раҳматовга акаси
Миркамол РАҲМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБХ ва Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби вилоят ИИБ ШТБХ бошлиғининг ўринбосари, майор Ш.Мамазияевга падари бузруквори
МАМАТКУЛ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

БОЛАЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент шаҳар ИИБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2005 йил 15 август куни Чилонзор тумани ИИБ ходимлари томонидан шу туманда жойлашган 23-меҳрибонлик уйи атрофида қаровсиз юрган 3-4 ёшлардаги ўғил бола келтирилган. Бола билан ўтказилган суҳбат давомида у ўзини “**Файзулла**” деб таништирган. Бола отонаси, яшаш манзили ҳақида ҳеч қандай маълумот бера олмайди.

Белгилари: бўйи 75-80 см, озгин гавдали, сочи, қошлари қора, кўзлари жигарранг, юзи думалоқ.
Кийимлари: эгнида оқ футболка, кўк шортик, оёғига қизил резина шиппак кийган.



Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2005 йил 15 август куни Чилонзор тумани ИИБ ходимлари томонидан шу туманда жойлашган 23-меҳрибонлик уйи атрофида қаровсиз юрган 4-5 ёшлардаги ўғил бола келтирилди. Бола билан ўтказилган суҳбатда исмини “**Пўлат**” деб айтган. Ота-онаси, яшаш манзили ҳақида ҳеч қандай маълумот беролмайди.
Белгилари: бўйи 90-100 см, озгин гавдали, сочи, қошлари қора, кўзлари жигарранг, юзи думалоқ.
Кийимлари: эгнида кўк футболка, кўк шортик, оёғига қизил шиппак кийган.
Болаларнинг ота-оналари ёки қариндош уруғлари Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин.
Телефонлар: 191-34-31, 191-52-37.



**БЕДАРАК
ЙЎҚОЛГАН**

Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ томонидан 1994 йилда туғилган **Фазлиддин Хусан ўғли ИСОМИДДИНОВ** қидирилмоқда. Миробод тумани “Янги замон” кўчаси 1 Б-ётоқхон 50 хонада яшаган. 2005 йил 11 март куни мактабдан чиқиб кетиб бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 155-160 см, озгин гавдали, сочи қора, кўзлари жигарранг.
Кийимлари: эгнида қора костюм-шим, тўққўк рангли кўйлак, ёғида тўққўк рангли кроссовка бўлган.
Ф. Исомиддиновни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Миробод тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.





МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ. Абу КЕНЖАЕВ сурат-лавҳаси.

БИР КУЛИШАЙЛИК

Пияниста эрталаб бош оғригидан уйғониб кетди. У итини чақириб:

— Кух-х-х! Шарик, изла!

Икки маст қовоқхонадан чиқиб, кўлмакка йиқилиб тушишди. Улар туришга уринишган кўйи гаплашишпти:

— Агар тура олсак, яна қовоқхонага кириб, юзтадан отамиз.

— Тура олмасак-чи?

— Унда уйга-уйимизга кетаверамиз.

— Иштаҳангиз қандай?

— Баъзан яхши, гоҳида умуман иштаҳам бўлмайди.

— Айнан қачон иштаҳангиз бўлмайди?

— Тўйиб овқат еганимдан сўнг.

Шифокор палатага кириб, ёш, чиройли жувонга:

— Қани, сизни бир кўриб кўяйлик-чи? — деди.

Жувон:

— Мени яқиндагина шеригингиз кўриб кетди.

Шифокор:

— Айтди, шунинг учун келдим-да...

СЕНТЯБРЬ ОЙИДА ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДАГИ ДАВЛАТЛАР ҲАМ ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ НИШОНЛАЙДИ:

1 СЕНТЯБРЬ

— Ливия Социалистик Араб Жумҳурияси миллий байрами — Инқилоб куни (1996).

— Словакия Республикаси миллий байрами — Конституция куни (1992).

— Вьетнам Социалистик Республикаси миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кун (1945).

3 СЕНТЯБРЬ

— Қатар Давлати миллий байрами — Мустақиллик куни (1971).

— Сан Марино Республикаси миллий байрами — Республикага асос солинган кун (301).

7 СЕНТЯБРЬ

— Бразилия Федератив Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кун (1822).

9 СЕНТЯБРЬ

— Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР) миллий байрами — Республика ташкил топган кун (1948).

— Тожикистон Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни (1991).

15 СЕНТЯБРЬ

— Никарагуа Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни (1821).

— Гватемала Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни (1821).

— Коста-Рика Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни (1821).

— Эль-Салвадор Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни (1821).

— Гондурас Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни (1821).

16 СЕНТЯБРЬ

— Мексика Қўшма Штатлари миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кун (1810).

18 СЕНТЯБРЬ

— Чили Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни (1810).

21 СЕНТЯБРЬ

— Арманистон Республикаси давлати байрами (1991).

— Малта Республикаси миллий байрами Мустақиллик куни (1964).

22 СЕНТЯБРЬ

— Болгария Республикаси миллий байрами Мустақиллик эълон қилинган кун (1908).

— Мали Республикаси миллий байрами Мустақиллик куни (1960).

23 СЕНТЯБРЬ

— Саудия Арабистони Подшоҳлиги миллий байрами — Подшоҳлик ташкил топган кун (1932).

24 СЕНТЯБРЬ

— Гвинея — Бисау Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни (1973).

30 СЕНТЯБРЬ

— Ботсвана Республикаси миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кун (1966).

Афсонавий чўпон Спорт тури	Уруг Кир ювиш кукуни	Саводсиз Мухаммад ...	Хам шох, хам шоир	Тана
	Афсонавий саркарда аёл	Сарой Абдулла ...	Куш тури	
	Кўп Офарин	«Бог ... куйсам кадам»	Улчов бирлиги Шуур, ақл	
	Дарё (Россия)			
	Фаргоний Суворий		Лахза	
	Фан Қон томири	Фойда	Боғланиш, ришта	Далил Разолат
	Адоват			
Катанга учраган шоир	Ука	Ишора	Анна ... (Тенн.)	Бир умр Аник, маълум
	Жонкуяр Чумқудан кўрққан уни экмайди	Бажарувчи	Дарё (Европа)	Ойнома
	Асар тури Қанд тури		Ол, ушла	
	... де Жанейро Аралаш ранг	... туя	Зараркунандо ҳашарот	Ҳаёт Тамом
	Хид		Само	
	Бирга эмас			Мева
	Сотувчи иш қуроли		От боласи	
	Куш эркаги			Шаҳар (Европа)

Зокир БОЛТАЕВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Панасоник. Латофат. Малай. Ом. Кит. Ма. Кал. Қон. Осон. Банг. Матиз. Комил. Олим. Рита. Тан. Шод. Ин. Без. Ре. Кабоб. Дилором. Томошабин. БҮЙИГА: Локомотив. Мақсалан. Ал. Лотин. До. Нам. Ним. Ким. Атак. Бало. Солиқ. Бебош. Офат. Зора. Най. Бор. Боб. Ит. Қамиш. Ми. Монитор. Бангладеш.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1	Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi Aleksandr VORGUDYAYEV	TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 54-37-91. Kotibiyat 139-73-88. Muxbirlar 59-27-15. 139-77-23. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.	Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.	● Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. ● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. ● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.	Obuna raqamlari: Yakkta tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366 Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Bosishga topshirish vaqti — 23.00. Bosishga topshirildi — 21.00.
	Bo'lim boshlig'i Erkin SATTOROV Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV	Navbatchi Sadriddin SHAMSIDDINOV Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV	E-mail: urmyd@globalnet.uz	GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN Buyurtma J-001577. Hajmi — 6 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida. 52674 nusxada chop etildi.	«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy. ● Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.